БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 173

9 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИИИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг элчихонасида қабул маросими (1-нчи бет).

Халқ демократияси мамлакатларида (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ. **Я. Мирзаев.** — Агитаторлар далада (2-нчи бет).

Т. Нажмиддинов. — Микола Бажан (2-нчи бет).

Ҳабиб Ну'мон. — Фасллар (2 ва 3-нчи бетлар).

Йиғим-терим сур'атини тобора ошириб, давлатга кўпроқ отбор сорт пахта топширайлик! Ш. Кузанбоев. — Оққўрғонда пахтани машина блан теришга етарли аҳамият берилмаётир. **С. Маҳкамов.** — Ориф Эргашев нега тажанг бўлмоқда? (3-нчи бет).

Берлинда Германия Демократик Республикасининг бешйиллиги муносабати блан оммавий митинг (4-нчи бет).

Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик ҳузурида қабул маросими (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси (4-нчи бет).

Саноат корхоналари коллективларининг ватанпарварлик бурчи

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг конкрет программасини тузиб бердилар. КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларида кўрсатилишича мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтиришнинг индустриал негизи вужудга келтирилган. Социалистик саноатимиз қишлоқ хўжалигини кун сайин тобора кўп янги, биринчи даражадаги техника блан та'минламоқда.

Пахта мамлакатимиз экономикасини мустаҳкамлашда ва аҳоли кенг исте'мол қиладиган саноат молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Шу сабабли партия ва ҳукуматимиз пахтачиликни янада ривожлантириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан республикамизда пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида қўйилган вазифаларни муваффақият блан бажаришда областимиздаги саноат корхоналарининг коллективлари муҳим роль ўйнайдилар. Чунки, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс равишда механизациялаштирмай туриб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ошириб бўлмайди.

Областимиздаги «Ташсельмаш», «Узбексельмаш», «Чирчиксельмаш» ва бошқа ўнлаб корхона коллективлари социалистик қишлоқ хўжалигимизни кескин суратда ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида тобора кўплаб хилма-хил машиналар, запас қисмлар ва детальлар ишлаб чиқармоқдалар. Иттифоқимиздаги энг йирик қишлоқ хўжалик корхоналаридан бири ҳисобланган К. Е. Ворошилов номли завод коллективи пахтакорларимизга ҳарқачонгидан ҳам кўпроқ пахта териш ва пахта тозалаш машиналари етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқда. Корхонанинг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари меҳнатни тўғри ташкил этиш, коллектив ўртасида илғор, прогрессив иш методларини кенг оммалаштириш, мавжуд ишлабчиқариш майдонидан унумли фойдаланиш, участкалар, цехлар ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани кенг йўлга қўйиш орқали давлат топшириқларини ойма-ой ва кварталма-квартал ортиги блан бажариб келмоқдалар. Завод коллективи шу йилнинг ўтган 9 ойи ичида пландан ташқари қишлоқ хўжалигимиз учун бирнеча миллион сўмлик турли хилдаги машина ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Шу давр ичида ўтган йилга нисбатан 300 та кўп пахта териш машинаси тайёрлаб берилди, пневматик подборшчиклар тайёрлаш эса 10 марта ошди.

Шунингдек, завод коллективи областимиздаги бирқанча колхоз ва МТСларга пахтани ўз вақтида йиғиб-териб, давлатга топширишда яқиндан самарали ёрдам бермоқда. Завод технологи М. Егоров раҳбарлигида бир группа ишчилар Янгийўл районидаги иккинчи МТСга бориб, илгари ишлаб чиқарилган пахта териш машиналарини модернизация қилдилар, машиналарга пневматик подборшчиклар ўрнатдилар, МТС мастерскойини қайта ташкил этиб, уни барча зарур асбоб-ускуналар блан та'минладилар.

Совет конструкторлари мавжуд қишлоқ хўжалик машиналарини такомиллаштириш ҳамда янада унумли ишлайдиган янги машиналарни ихтиро' қилиш устида катта ишлар олиб бормоқдалар. «Ташсельмаш» заводи ёш йил янги конструкциядаги «СХС — 1,4» маркали пахта териш машиналарини ишлабчиқаришни ўзлаштирди. Бу машина эски конструкциядаги машиналарга қараганда жуда юқори техника кўрсаткичларга эгадир.

Аммо, областьдаги айрим йирик машинасозлик корхоналарининг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг заказларига жиддий э'тибор бермаётирлар. Ваҳоланки, қишлоқ хўжалиги учун қанчалик кўп машиналар етказиб берилса, колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС механизаторларининг меҳнати шунча енгиллашади, пахта, ғалла ва бошқа экинларнинг ҳосили шунча ортади.

«Чирчикеельмаш» заводи яқинда кўрак терадиган янги машина ишлабчиқаришни ўзлаштирди. Бу машина синаб кўрилганда ғоят юқори техника кўрсаткичларига эга эканлиги аниқланди. Машина 40 кишининг ишини бажаради. Лекин корхона раҳбарлари янги машинани ишлаб чиқаришга пухта тайёрланмадилар. Шу сабабли кўрак териш машиналарини ишлаб чиқариш ниҳоятда секинлик блан бормоқда.

Корхона раҳбарлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари шуни унутмасликлари керакки, етиштирилган мўл пахта ҳосилини қисқа муддатда териб олиш—давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим вазифадир. Ҳамма резервлар, мавжуд имкониятлар ана шу улуғ ва шарафли вазифани муваффақиятли бажаришга тўла сафарбар қилиниши лозим. Саноат корхоналари ўз оталикларидаги колхозларга, совхоз ва МТСларга оталик ёрдамини янада кучайтиришлари керак. Шунга эришмоқ керакки, бирорта ҳам корхона, бирорта ҳам коллектив бу улуғ ишдан четда қолмасин.

Оҳангарон шаҳридаги корхоналар ўз оталикларидаги колхоз, совхоз ва МТС ларга ғўза парвариши ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик даврида бирмунча ёрдам бердилар-да, шу блан қаноатланиб қўяқолдилар. Бу корхона раҳбарлари, жумладан «Ўзбекуголь» трестининг партия ва касаба союз ташкилотлари, энда пахта етиштирилди, шунинг учун оталикдаги хўжаликлар ёрдамга ончалик муҳтож эмас, деган зарарли кайфиятдадирлар. Ваҳоланки, йил бўйи қилинган меҳнатнинг якунловчи даври бўлган пахта йиғим-теримида оталик ёрдамини ҳарқачонгидан ҳам кучайтириш керак.

Саноат халқ хўжалигимизнинг етакчи тармоғидир. Саноат корхоналарининг қишлоқ хўжалигига оталик ёрдамини уюштириш бизда энг яхши традицияга айланди. Шу кунларда пахта йиғим-теримида ёрдам бериш учун саноат корхоналаридан, турли ташкилотлардан мингларча ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлар областимиздаги пахтакор колхоз ва совхозларга жўнаб кетмоқдалар. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз правлениелари ҳамда совхоз ма'муриятлари колхоз ва совхозларга пахта теримида ёрдам бериш учун чиққан шаҳар аҳолисининг унумли ишлаши учун ҳамма зарур шароитларни яратиб беришлари лозим.

Пахтакорларимиз учун 1954 йилдаги ҳосилни йиғиб-териб олишнинг ҳал қилучи муҳим даври бошланди. Шу сабабли қишлоқ хўжалик ходимларига оталик ёрдамини ҳарқачонгидан ҳам кучайтиришимиз, пахтакорларимизга меҳнатни ташкил этиш, социалистик мусобақани уюштириш, пахта териш машиналарининг унумли ишлашига эришиш, шунингдек улардан самарали фойдаланишни ташкил қилишда, колхозчилар, совхоз ишчилари ҳамда МТС ходимлари ўртасида сиёсий ва маданий-оқартув ишларини янада жонлантиришда ёрдам бермоқ зарур.

Областимиз бу йил давлатга 500 минг тонна пахта топшириши керак. Бу улуғ ва шарафли вазифанинг муваффақиятли бажарилишига қарбир корхона коллективи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшсин. Она-Ватанимиз биздан шуни талаб қилмоқда. Саноат корхоналари партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг шу кундаги энг муҳим вазифаси—социалистик саноатимиз блан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, пахтакорларга яқиндан амалий ёрдам беришдан иборатдир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Сталин мукофоти лауреати, профессор Всеволод Иванович Романовскийнинг 1954 йил 6 октябрьда вафот этганлигини чуқур қайғу блан билдирадилар.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	2,37	47,69	Бекобод	1,46	30,67
Сирдар'ё	2,39	46,19	Бўка	1,78	30,20
Гулистон	1,88	43,66	Пискент	1,50	29,24
Верхне-волинск	2,28	43,12	Оҳангарон	1,55	28,50
Оржоникидзе	2,17	37,66	Янгийўл	1,68	27,18
Юқоричирчиқ	2,15	37,40	Октябрь	1,67	26,88
Калинин	1,88	36,94	Ўртасарой	1,50	26,15
Чиноз	1,65	33,81	Ўртачирчиқ	1,22	26,06
Оққўрғон	1,99	32,82	Паркент	1,49	20,00
Ховос	1,80	31,56	Қўйичирчиқ	1,35	19,57

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 8 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунги ўсиш	Мавсум бошидан бери	Совхозларнинг номи	Бир кунги ўсиш	Мавсум бошидан бери
«Малик»	2,20	45,98	Учинчи «Далварзин»	1,55	28,29
Сталин номли 16-совхоз	2,58	35,10	Сталин номли 17-совхоз	1,94	25,25
Биринчи «Далварзин»	2,04	34,12	Иккинчи «Боёвут»	1,75	24,09
Иккинчи «Далварзин»	2,16	31,23	Тўртинчи «Боёвут»	1,76	21,85
Учинчи «Боёвут»	1,76	31,05	«ЎзССР бешйиллиги» совхози	1,35	19,57
Биринчи «Боёвут»	1,90	28,33			

Совет Иттифоқида

Москва. Горький кўчаси.

Н. Грановский фотоси (ТАСС фотохроникаси).

☆ ☆ ☆

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

Бирқанча областьларнинг картошка экучи колхозчилари 7 октябрьда виставкада қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор А. Г. Лорх блан учрашдилар. Олим картошкадан мўл ҳосил етиштириш соҳасидаги ўз тажрибаларини сўзлаб берди, картошка экишда илғор агротехника усулларини қўлланиш масаласига муфассал тўхтади, келгуси йилда экиш учун уруғлик картошкани танлаш юзасидан колхозчиларга қимматли маслаҳатлар берди.

«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаш» павильонининг заллари гавжум эди. Шамол кучи блан ишлайдиган двигательларнинг схемалари кўрсатилган стенд ёнида Сибирь, Урал, Қозоғистон механизаторлари тўпландилар. Улар шамол кучидан фойдаланиш йўллари блан танишдилар. Кейинги уч йил ичида қишлоқ хўжалигида шамол кучи блан ишлайдиган двигателларнинг умумий қуввати деярлик икки баравар ошди. 1955 йилнинг охирига бориб, колхозларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш учун шамол кучи блан ишлайдиган 13 мингга яқин двигатель ўрнатилади.

Экскурсия раҳбари шу стенд ёнида колхозчиларга совет фанининг бу соҳадаги муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Шамол кучидан фойдаланиб 100 минг киловатт қувватга эга бўлган электростанциялар қуриш мумкинлиги назарий жиҳатдан асосланди.

Экскурсиячилар қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган шамол установкаларининг хилма-хил типлари блан танишдилар. (ТАСС).

Сиёсий иқтисодни ўрганиш лекториялари

ИВАНОВО, 7 октябрь. (ТАСС). КПСС шаҳар комитети марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганувчиларга ёрдам бериш учун бирнеча лектория ташкил этди.

Сиёсий иқтисодни ўрганиш лекториялари ишга киришди. Ивановодаги химия-технология институтининг старший ўқитучиси А. Ф. Свистунов «Сиёсий иқтисод предмети» деган темада биринчи лекцияни ўқиди. Бу лекцияни 200 га яқин киши — партия ходимлари, врачлар, ўқитучилар, инженер-техник ходимлар тингладилар.

Белоруссия ССРнинг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш планини бажардилар

Белоруссия ССРнинг колхоз ва совхозлари ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажардилар. Давлатга ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 4 миллион 78 минг пуд кўп дон, шу жумладан 1 миллион 800 минг пуд кўп гречиха топширилди. Республиканинг колхозларида МТСларнинг қилган ишлари учун топширилган счётлар бўйича ғалла топшириш, давлат закупка тартибида ғалла сотиш давом этмоқда ва колхозчиларнинг меҳнат кунларига ғалла берилмоқда.

Республикада мўл зиғир ҳосили етиштирилди. Давлатга зиғир уруғи топшириш юзасидан 1954 йил учун белгиланган план 1954 йил 1 октябрьгача 150 процент бажарилди. Ўтган йилдагига нисбатан 280 минг пуд кўп зиғир уруғи топширилди. Зиғир уруғи топшириш давом этмоқда. Колхозлар давлатга зиғирпояси ва зиғир толаси топшириш планини ошириб бажариш учун мусобақани кучайтириб юбордилар.

Республиканинг колхоз ва совхозлари кузги экинлар экиш планини бажардилар. 1955 йилда баҳори экинлар экиш учун уруғ тайёрламоқдалар, кузги шудгор қилмоқдалар ва чорва моллари қишловига тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Колхозларда силос бостириш учун биринчи марта катта майдонларга экилган маккажўхори юқори ҳосил берди, бу эса силос бостириш юзасидан белгиланган давлат планини 107 процент бажариш ва 1,3 миллион тонна, ёки ўтган йилдагидан 360 минг тонна кўп силос бостириш имкониятини берди. Ўт-хашакларни силослаш ишлари давом этмоқда.

Бу йил Белоруссияда картошкадан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозирги вақтда республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари картошка ва сабзавотларни йиғиштириб олишни тезроқ тугаллаш ҳамда бу экинларни тайёрлаш ва закупка қилиш юзасидан белгиланган давлат планларини муддатидан илгари бажариш учун мусобақа қилмоқдалар.

СССРДА НЕМИС БАДИИЙ АДАБИЁТИНИНГ НАШР ЭТИЛИШИ

Немис ёзучиларининг асарлари бизнинг мамлакатимизда кенг шуҳрат қозонган. Уларнинг асарларини миллионмиллион кишилар ўқимоқда.

Бутуниттифоқ Китоб палатасининг ма'лумотларига кўра 1918 йилдан бошлаб шу йил октябрь ойигача СССР да 2.146 китоб 55 тилда (шу жумладан СССР халқларининг 50 тилида) жам'и 36. 533 минг нусха босилиб чиққан. Гейне, Гёте, Шиллер, Келлерман, ака-ука Гриммларнинг асарлари ўнларча марта нашр этилган.

Совет китобхонлари Германиянинг ҳозирги замон ёзучилари асарларини зўр қизиқиш блан ўқимоқдалар. Масалан В. Бредельнинг асарлари 63 марта 1 миллион 180 минг нусха, И. Бехер асарлари 478 минг нусха, А. Зегерс асарлари 983 минг нусха нашр этилган.

СССР да ҳаммаси бўлиб 286 немис авторининг китоблари босилиб чиққан. (ТАСС).

«ШИПКА ҚАҲРАМОНЛАРИ» ДЕГАН ЯНГИ ФИЛЬМ

ЛЕНИНГРАД, 5 октябрь. (ТАСС). Ленинград «Ленфильм» киностудияси блан Болгария бадиий фильмлар киностудияси «Болгарфильм» томонидан чиқарилган «Шипка қаҳрамонлари» номли янги бадиий фильм бугун Ленинграддаги Кино уйида жамоат кўригидан ўтказилди. Бу—совет ва болгар кино сан'ати арбоблари биргаликда ишлаб чиқарган биринчи фильмдир.

Бу кинофильмда Болгар халқини Туркияга тутқин бўлишдан қутқарган 1877—1878 йиллардаги рус-турк урушининг воқиалари кўрсатилади. Кинофильмдаги кўпчилик воқиалар Болгарияда, жанглар бўлган жойларда суратга олинди.

Болгар ва совет режиссёрлари, операторлари, артистлари, рассомлари биргаликда аҳил бўлиб ишладилар. Бу фильм СССР халқ артисти С. Васильев томонидан А. Первенцев сценарияси асосида ишланган.

Германия Демократик Республикасининг элчихонасида қабул маросими

7 октябрьда Германия Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Аппельт миллий байрам—Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг беш йиллиги муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, М. З. Сабуров, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари М. П. Тарасов, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, СССР министрлари С. А. Акопов, С. Ф. Антонов, П. Я. Антропов, Н. К. Байбаков, В. Г. Бакаев, Б. П. Бешчев, П. В. Дементьев, Н. А. Дигай, В. Г. Жаворонков, А. Ф. Засядько, А. Г. Зверев, В. П. Зотов, И. Г. Кабанов, Н. С. Казаков, Е. Ф. Кожевников, И. К. Козюля, А. И. Костоусов, С. Н. Круглов, И. А. Лихачев, Е. С. Новоселов, И. И. Носенко, А. С. Павленко, П. И. Паршин, И. Т. Скиданенко, С. А. Степанов, С. М. Тихомиров, Д. Ф. Устинов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг биринчи ўринбосари А. А. Громико, Совет Иттифоқи маршаллари А. М. Василевский, В. Д. Соколовский, ТАССнинг мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, «Известия» газетасининг бош редактори К. А. Губин, «Труд» газетасининг бош редактори Б. С. Бурков, РСФСР маданият министри Т. М. Зуева, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, И. Г. Большаков, И. Д. Гоциридзе, В. А. Зорин, И. Д. Злобин, С. В. Кафтанов, М. Р. Кузьмин, П. Н. Кумикин, В. В. Мацкевич, И. Ф. Семичастнов, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг Ўринбосари А. Ф. Горкин, меҳнаткашлар депутатлари Москва область Совети Ижроия Комитетининг Раиси А. П. Волков, ВЦСПС Раисининг Ўринбосари Л. Н. Соловьёв, Армия генераллари В. В. Курасов, М. С. Малинин, генерал-полковниклар А. С. Желтов, Ф. Ф. Кузнецов, П. А. Курочкин, адмираллар Н. Е. Басистий, Н. И. Виноградов, четэллар блан маданий алоқа қилучи Бутун Иттифоқ жамияти правленеси Раисининг Биринчи Ўринбосари В. Г. Яковлев, Совет хотин-қизлари антифашист комитетининг Раиси Н. В. Попова, Москва Совети Раисининг Ўринбосари Н. И. Бобровников, Москва шаҳрининг коменданти генерал-майор И. С. Колесников, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги, Ташқи савдо министрлиги, СССР Мудофаа министрлиги, СССР Маданият министрлиги, ВЦСПС, ВОКС, Типчликни ҳимоя қилучи Совет комитети, Совет хотин-қизлари антифашист комитети, Совет ёшлари антифашист комитетининг мас'ул ходимлари, саноат новаторлари, фан ва сан'ат арбобларя, ёзучилар, совет ва четэл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Бирма Иттифоқи Фавқулодда ва Мухтор Элчиси М. Он, Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Чжан Вэньтянь, Корея Халқ-Демократик Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Лим Хэ, Польша Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси В. Левиковский, Чехословакия Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Я. Вошаглик, Болгария Халқ Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси К. Т. Лукаков, қуйидаги мамлакатларнинг Фавқулодда Вакиллари ва Мухтор Министрлари: Финляндия — О. Гартц, Сурия—Ф. Эл Хани: қуйидаги мамлакатларнинг Муваққат Ишлар Вакиллари: Миср — М. А. С Хеддая, Венгрия Халқ Республикаси—И. Ковач, Албания Халқ Республикаси—С. Хайро, Руминия Халқ Республикаси—Ш. Дуну, Вьетнам Демократик Республикаси—Нгуэн Тиэнг, Мўғулистон Халқ Республикаси—Ж. Хишгээ, Индонезия Элчихонасининг Маслаҳатчиси М. Шариф, четэл Элчихоналари ва Миссияларининг а'золари ҳам бор эди.

Германия Демократик Республикасининг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Р. Аппельт, К. Е. Ворошилов ва Г. М. Маленков нутқ сўзладилар.

Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

Халқ демократияси мамлакатларида

ГДР ташкил этилган кунининг бешйиллигини байрам қилиниши

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС). ГДР аҳолиси бугун Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кунининг бешйиллигини хурсандчилик блан кутиб олди. Берлин, Дрезден, Галл, Зул, Шверинда ва республиканинг бошқа шаҳарларида кўп кишининг иштироки блан митинглар, намойишлар ва тантанали мажлислар ўтказилди. Галида ўтказилган митингда шаҳар аҳолисидан 100.000 га яқин киши қатнашди. Митинг қатнашчилари ГДР президенти Вильгельм Пикка ва ўртоқ В. М. Молотовга табрик телеграммалари юбордилар.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ГДРнинг беш йиллигини нишонлаб, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган ва немис халқини фашизм зулмидан озод қилган совет жангчиларининг хотирасини ҳурматлаб эсга олмоқдалар. Бугун республиканинг бешйиллиги кунида ГДРнинг шаҳар ва қишлоқларида халоскор совет жангчиларининг қабрларига корхона коллективларидан, демократик партиялардан ва оммавий ташкилотлардан гулчамбарлар қўйилди.

Митинглар тамом бўлганидан кейин ГДР пойтахти — Берлин ва республиканинг бошқа шаҳарлари майдонлари ҳамда кўчаларида оммавий халқ сайиллари бўлди.

Хитойда Германия Демократик Республикасининг кинофильмлари ҳафтаси

ПЕКИН, 7 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ташкил қилинганига беш йил тўлганлиги муносабати блан Хитойда бугундан бошлаб Германия Демократик Республикасининг кинофильмлари ҳафтаси ўтказилмоқда. Мамлакатнинг энг йирик 20 та шаҳри: Пекин, Тяньцин, Шанхай, Мукден, Ухан, Нанкин, Кантон, Аньшан, Харбиндаги ва бошқа шаҳарлардаги кинотеатрларнинг экранларида немис кинофильмлари кўрсатилади.

Кеча Пекинда ГДР кинофильмлари ҳафтаси тантанали суратда бошланди. Кинофестивальни очиш маросимида Хитой Халқ Республикаси маданият министрининг ўринбосари Дин Си-лин нутқ сўзлаб, хитой ва немис халқларининг маданий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ишида фестиваль катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Прагадаги В. И. Ленин музейида

ПРАГА, 7 октябрь. (ТАСС). Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги арафасида Прагадаги В. И. Ленин музейига янги экспонатлар қўйилди.

Ленинизм идеяларининг Чехословакиядаги революцион ишчилар ҳаракатига ва Чехословакия Коммунистик партиясининг тузилишига кўрсатган буюк та'сирини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳаммани қизиқтирмоқда. Биринеча янги стенд совет халқининг Чехословакия меҳнаткашларига социализм қуришда қандай ёрдам бераётганлигини кўрсатади.

Прагада А. П. Чеховнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида виставка

ПРАГА, 7 октябрь. (ТАСС). Чехословакия телеграф агентлиги хабар беради: Кеча Прагада «Антон Павлович Чеховнинг ҳаёти ва ижоди» ҳақидаги виставка очилди. Виставкани Чехословакия тинчлик тарафдорлари комитети ташкил қилди.

Виставкага Чеховнинг Таганрогда ўтказган болалик чоғи ҳақида, Москва университетининг медицина факультетида ўқиган йиллари тўғрисида, Мелиховда бўлган вақти ва ҳаётининг Ялтадаги кейинги йиллари тўғрисида сўзлаб берадиган материаллар ҳамда фотографиялар қўйилган.

Виставкага қўйилган ҳужжатлар блан бирга совет рассомларининг Чехов ҳикояларига чизган расмлари ва унинг «Чайка», «Олчазор», «Ваня тоға» ва «Уч опа-сингил» деган пьесаларининг постановкаларидан олинган фото расмлар ҳам қўйилган.

Венгрия металлургия ва машинасозлик саноатида рационализаторлар ҳаракати

БУДАПЕШТ, 7 октябрь. (ТАСС). Венгриянинг металлургия ва машинасозлик корхоналарида ишлабчиқариш новаторлари ва рационализаторлар ҳаракати кенг қизиб кетди. Ўтган йил Венгриянинг металлургиялари ва машинасозларидан рационализация ҳақида 149. 892 таклиф тушди. Шундан 63.245 таклифдан фойдаланилди. Бу эса 310 миллион 623 минг форинт маблағни тежаш имкониятини берди. Шу йилнинг биринчи ярмида 78.565 таклиф тушди, шундан 34.892 таклиф амалга оширилди, шу блан йил мобайнида 193 миллион 512 минг форинт маблағни тежаш мумкин бўлди.

КХДРда кемасозлик техникуми очилди

ПХЕНЬЯН, 7 октябрь. (ТАСС). Корея Марказий телеграф агентлиги хабар беради: Нампхода Кореядаги биринчи кемасозлик техникуми очилди. Техникум КХДРнинг кемасозлик саноати учун техника кадрлари тайёрлаб чиқаради.

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

АГИТАТОРЛАР ДАЛАДА

Маҳкамбой ишга кечикди. Ўртоқлари таажжубландилар. Илгари бундай ҳодиса рўй бермаган эди. Кимдир Маҳкамбойга ҳазиллашди:

— Ўзи нима гап, уйқудан қолганмидинг?

— Нима бўпти, келди-ку, бирор соат кечиккан бўлса кечикипти-да деди, — иккинчи колхозчи.

— Нима учун кечикади, бу мумкин эмас, — деди бирқанча газеталарни кўтариб келган ўрта бўйли бир йигит.

Колхозчилар келган йигитга йўл беріб, тисландилар. Агитатор Аҳмаджон Қурбонов газеталарни стол устига қўйиб, сўз бошлади.

— Шу кунларда, — деди агитатор, — ҳар соат ғанимат Ишга кечикиш мутлақо мумкин эмас. Биз йиғим-теримни қанчалик тез ўтказсак, бор ҳосилни йиғиб-теріб олсак, колхозимизнинг хўжалиги шунча мустаҳкамланади, колхозчиларимиз кўпроқ даромад оладилар. Хўш нима учун кечикдингиз?

— Ўртоғимни учратиб қолдим, гапга тутиб қолди, — деди Маҳкамбой қизариб.

Агитатор дам олиш вақтида алоҳида суҳбат ўтказмоқчи бўлди. Маҳкамбойга бошқа савол бермади. Колхозчилар эгат оралаб, оппоқ пахталарни теракетдилар. Маҳкамбой ҳам этак тутиб, ғўзалар ичига кириб кўринмай қолди.

Тушки овқатдан кейин шийпонда агитаторнинг овози жараңглаб эшитилабошлади. У ҳарбир ишнинг муваффақияти интизомга боғлиқ эканини, социалистик тузумимиз меҳнатга янгича муносабат, онгли интизомни вужудга келтирганлигини айтди. Сўнгра бундай деди:

— Ҳарбир колхозчи ўз колхозининг хўжайини. У ўзи ва бутун халқ учун ишлайди. Ана шуни тушунган ҳарбир киши халол ва виждон блан меҳнат қилади. Меҳнатни шон-шараф деб билиб, коммунизм қурилиши учун бор кучини аямай сарф этади Бизнинг ўз бригадамизни мисолга олайлик: ўзимизда ҳам фидокорона меҳнат блан колхоз хўжалигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган кишиларимиз кўп.

Агитатор пахта теримида ғайрат блан ишлаб, ҳар куни 60 килограмм ўрнига 100—120 килограммдан пахта тераётган Мастон Дадабоева, Фозила Умарова ва бошқа колхозчиларни мақтаб гапирди.

— Лекин,—деди агитатор, — бизда ишёқмас, тартиб-интизомни бузучилар ҳам йўқ эмас.

Маҳкамбой хижолатдан лоладай қизарди. Бу бежиз эмас эди. Агитатор интизомни бузучилар қаторида унинг фамилиясини ҳам тилга олди Агитаторнинг сўзи тугагандан кейин Маҳкамбой ўрнидан турди:

— Кечирасизлар, ўртоқлар, бундан кейин ишга сра кечикмайман...

Аҳмаджон Қурбонов колхоз партия ташкилотининг топшириғи блан уч йилдан бери 4-ячи бригадада агитаторлик қилади. Шу муддат ичида у катта тажриба ортдирди. У, қайси темани танламасин суҳбатни жонли ва қизиқарли ўтказишга ҳаракат қилади. Кўпинча у кундалик вазифалардан келиб чиқадиган темаларда суҳбат ўтказади.

Яқинда Қурбонов теримчиларнинг ишига разм солиб, Тожибой Бердиевнинг ишидан норози бўлди. Чунки Бердиев шошилиб, чаноқларда бир-икки чигитдан пахтани қолдириб кетарди. Шундан сўнг агитатор қўлига қалам олиб, ҳар гектардаги 85—90 минг тупда бир граммдан пахта қолдирилса, ҳар теримда 9—10 килограмм пахта чаноқда қолиб кетишини ҳисоблаб чиқди. Буни звено бошлиқларига ҳам гапирди.

Бу ҳақда у бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳатамов блан сўзлашди Секретарь бригада а'золари блан пахта нобудгарчилигига қарши суҳбат ўтказиш зарурлигини айтиб, тегишли материаллар берди. Шундан кейин агитатор ўтказган суҳбат жуда та'сирли бўлди.

Мана энди ҳамма теримчилар ҳам бирор чигитни чаноқда қолдирмай терадиган бўлиб қолдилар. Катта кўчалар ва дала йўлларида тўкилган пахтани териб солиш учун яшиклар ўрнатилди.

Агитатор Аҳмаджон Қурбонов илғор иш тажрибасини оммалаштиришга алоҳида аҳамият беради. Яқинда у 140—150 килограммдан пахта тераётган эпчил теримчи Хўжақуловнинг иш усули ҳақида суҳбат ўтказди. У фақат оғзаки агитация блан қаноатланмасдан, бригада а'золарининг қандай ишлаётганларини «Жанговар варақа»да ҳам ёритиб туради Ёзилган материаллардан суҳбат учун фойдаланади.

Шу кунларда Ховос районидаги Молотов номли колхоз даласида 27 агитатор пахтакорлар орасида оммавий-сиёсий иш олиб бормоқда. Улар асосан коммунист ва комсомоллардан иборат. Партия ташкилоти агитация ишига ўқитучилар, агрономлари ҳам жалб этган. Йиғим-терим қизғин тус олган ҳозирги кунларда колхоз ишлабчиқаришининг ҳамма участкаларида агитация ишининг та'сири сезилмоқда. Теримчилар орасида ҳам, пахта ташучилар, механик-ҳайдовчилар орасида ҳам агитаторларни тез-тез учратиш мумкин.

Агитколлективнинг ишига партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳатамов бошчилик қилади. У ҳар куни далага чиқиб, колхозчилар блан сўзлашади, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганади, агитаторларнинг ишига раҳбарлик қилади.

Яқинда у, 10 бригада агитатори Қодир Суяров ўтказган суҳбатда ҳозир бўлди. Суҳбат бўш ўтди. Шундан кейин, Ҳатамов агитаторни чақириб бундай деди:

— Ўтказган суҳбатинг қизиқарли бўлмаганининг сабабини биласанми? Сўзларинг бурро, гапинг тўғри, аммо, сен тингловчиларнинг диққатини ўзингга жалб этаолмадинг. Бунинг сабаби шуки, умумий гаплар гапирдинг, суҳбат ва'зхонликка айланиб кетди. Табиий, бундай суҳбат ҳеч кимни қизиқтирмайди. Одамлар блан маслаҳатлашиб ишлаш керак. Нима ҳақда суҳбат ўтказиш тўғрисида уларнинг фикрини эшитиш керак. Энг муҳими шуки, ҳарбир темани ҳаёт блан, мамлакатдаги воқеалар блан, район ва колхоз ҳаёти блан боғлаш, жонли мисоллар блан бойитиш керак.

Секретарьнинг бу сўзлари агитаторда катта таассурот қолдирди. У ҳарбир суҳбатга пухта тайёргарлик кўриб, маҳаллий факт ва рақамлар блан суҳбатни жонли ўтказадиган бўлди. Энди колхозчилар суҳбатга қизғин аралашиб, саволлар берадиган ва ўтилган тема юзасидан фикр баён қиладиган бўлиб қолдилар.

Бошланғич партия ташкилотининг секретари агитаторларнинг ишига яқиндан ёрдам бериш блан бирга, зарур бўлганда ўзи ҳам агитаторлик қилади.

Пахталар қийғос очилиб кетди. Гарчи кўпчилик колхозчилар нормани ошириб бажарсаларда, қўшимча ишчи кучларини сафарбар этиш керак эди. Ўртоқ Ҳатамов бошлиқ агитаторлар уйма-уй юриб, кексалар ўртасида ҳам тушунтириш ишлари олиб бордилар. Шундан кейин Қурбон Назаров каби ўнларча кекса колхозчилар ҳам далага — фидокорона меҳнат блан етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб олишга чиқдилар.

Партия бюросининг мажлисида мунтазам суратда агитаторларнинг ҳисоби эшитиб турилади. Яқинда 13-ячи бригада агитатори ўртоқ Раҳмонқуловнинг иши партия бюросининг мажлисида муҳокама қилинди. Коммунистлар Раҳмонқуловнинг ишини қаттиқ танқид қилдилар. Унинг ишидаги камчиликларни кўрсатдилар. Раҳмонқулов танқиддан тўғри хулоса чиқариб, агитация ишини яхшилади, «Жанговар варақа»лар чиқарабошлади.

Бу колхозда 39 коммунист бор. Улар ишлабчиқаришнинг муҳим участкаларига биркитилган. Шу кунларда пахта йиғим-теримни қизғин тусга кириб, колхоз ҳозирданоқ давлатга ўтган йилгидан ортиқ пахта топшири.

Ховос районидаги Молотов номли колхоз а'золари бу йил пахта планини Октябрь революциясининг 37 йиллигига бажариш мажбуриятини олиб, зўр ғайрат блан ишламоқдалар. Колхозчиларнинг меҳнат соҳасидаги ғайратини оширишда эса агитаторлар катта роль ўйнамоқдалар.

Я. МИРЗАЕВ.

Илғор фабрика

И. В. Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг меҳнатсевар коллективи аҳоли учун кўплаб юқори сифатли маҳсулот етказиб бермоқда. Йигирув-тўқув фабрикасининг коллективи меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва кўплаб хомашёни тежаш натижасида комбинат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада 5 йилдан бери муттасил биринчи ўринни олиб келмоқда. 1954 йил II кварталдаги иш якуни учун фабрикага «Меҳнат унуми юқори ва а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи фабрика» номи берилди.

Фабриканинг ишчилари, инженер-техник ходимлари янги техникани ишлабчиқаришга жорий қилиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, станокларнинг бекор туришини камайтириш каби тадбирларни амалга ошириш натижасида меҳнат унумини тиммай оширмоқдалар. Шу йилнинг 8 ойи ичида пландан ташқари 621,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 44,9 тонна ўрнига 62,4 тонна ип-калава ишлаб чиқарилди. 1954 йилда 1950 йилга нисбатан меҳнат унуми 18,5 процент ошди.

Фабрика коллективининг бундай муваффақиятларга эришишида рационализаторлар ва ихтиро'чиларнинг қимматли таклифлари муҳим роль ўйнамоқда. Фабрикада тез-тез рационализатор ва ихтиро'чилар кенгашлари бўлиб туради. Бу кенгашларда ишчиларнинг таклифлари ҳартарафлама муҳокама қилинади. Шу йилнинг 8 ойи мобайнида рационализатор ва ихтиро'чилардан 263 киши 200 та таклиф киритдилар. Бу таклифларни ишлабчиқаришга жорий қилиш давлатга 1 миллион сўм фойда келтирди. Фабрика мастерскойининг бошлиғи Н. С. Баярский, арқоқ цехининг бошлиғи П. Ф. Крупов ўртоқларнинг таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш 8 ишчи қиладиган ишни бир киши бажариш имкониятини берди. Натижада бир йилда 91 минг сўм фойда олинди. Шунингдек рационализаторлардан А. Хўжаев, С. Кузнецов, Е. Комиссарова, Т. Ермуҳамедова каби ўртоқларнинг таклифларини ишлабчиқаришга жорий қилиш ҳам кўплаб фойда келтирмоқда.

Фабрикада ишлабчиқариш илғорлари ва рационализаторлар сафини тобора кўпайтириш мақсадида ишчиларнинг техника ўқишига катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир фабрика бўйича 199 киши индивидуал равишда техника ўқуви блан шуғулланмоқда. Илғор иш методларини ўрганиш мактабига белгиланган 412 киши ўрнига 900 киши қатнашмоқда. Фабриканинг ҳарбир ишчиси, инженер-техник ходими бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини янги меҳнат зафарлари блан кутиб олиш иштиёқи блан яшамоқда. Байрамолди социалистик мусобақа илғорларидан Васильева, Абдушукурова, Сидоренко, Эгамбердиев каби ўртоқлар кундалик иш нормаларини 115—120 процентдан бажариб, пландан ташқари кўплаб маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Н. ТЎЛАГАНОВ.

БАШОРАТ МИРБОБОЕВАНИНГ ЯНГИ ЮТУҒИ

Тошкент тепловоз депосининг старший машинисти Башорат Мирбобоеванинг шуҳрати бутун Иттифоқимизга таралган. У систематик равишда оғир юкли поездларни бошқариб, машинистлар ўртасидаги социалистик мусобақада кўп вақтдан бери биринчиликни олиб келмоқда.

Шу кунларда Мирбобоева бошчилигидаги бригада Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейини муносиб совғалар блан кутиб олиш учун курашиб, янгиянги муваффақиятларга эришмоқда.

Яқинда, машинистга Қозоғистондан ғалла ортиқ келиш учун бўш вагонлар составини олиб бориш топширилди. Мирбобоева нормада кўрсатилганидан бирнеча ортиқ вагон олиб, уларни Чангельди станциясига графикда белгиланган вақтдан олдин етказиб келди. Поезд нормадан ташқари 200 тонна ортиқ ғалла ортган ҳолда белгиланган вақтда Тошкентга қайтиб келди. Илғор машинист Мирбобоева сентябрь ойида бирнеча марта нормадан 200—400 тонналаб ортиқ юкларни ташиб берди. Унинг бундай муваффақиятга эришишида Тошкент темир йўл бўлими диспетчерлари С. Фок, Л. Кочемасовалар катта ёрдам бердилар.

С. НЕСТЕРОВИЧ.

АРТЕЛЬ КОЛЛЕКТИВИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ташсаноатпромсоветга қарашли «Ударник» артелининг меҳнатсевар коллективи республикамизнинг 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқда. Артель коллективи 9 ойлик давлат топшириғини муддатидан илгари бажарди ва пландан ташқари 194 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Ўртоқ Я. Блиндер раҳбарлигидаги цех ишчилари социалистик мусобақада голиб чиқдилар. Цех коллективи пландан ташқари бирнеча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди. Илғор ишчилардан Рустамова, Валиуллина, Раҳимова каби ўртоқлар кундалик смена топширигини 200—250 процентдан бажариб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Х. ЖАЛИЛОВ.

«Узбексельмаш» заводи механика-йиғув цехининг илғор ишчиси токарь Жалол Файзиев Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқда. У кундалик нормасини систематик равишда 220—230 процентдан бажариб, ҳозир 1955 йил ноябрь ойи ҳисобига ишламоқда. **Суратда:** ўртоқ **Файзиев** иш устида.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МИКОЛА БАЖАН

Туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати блан

Микола (Николай) Платонович Бажан қардош украин халқининг энг талантли ва отоқли шоиридир. Унинг ажойиб асарларида СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бу дўстликнинг енгилмас куч эканлиги ўз ифодасини топган. Бажаннинг ше'р ва поэмалари кишида чуқур таассурот қолдиради, ўзининг сиёсий ўткирлиги ва публицистик руҳи блан ажралиб туради.

Бажан 1904 йилда Украинанинг Каменец-Подольск шаҳрида ҳарбий хизматчи оиласида туғилди. Бошланғич ма'лумотни олгандан сўнг, Киевдаги Ташқи муносабатлар институтига кириб ўқийди. Унинг дастлабки асарлари 1923 йилда майдонга келади.

М. Бажаннинг 1926 йилда нашр қилинган «Ўнеттинчи патруль» биринчи ше'рлар китоби гражданлар уруши темасига бағишлангандир. Бажан бу тўпламга киритилган ше'рларида гражданлар урушининг қийинчиликларини, озодликни курашиб қўлга киритган халқнинг четэл интервентлари ва ички контрреволюцияга қарши олиб борган қаҳрамонона курашларини ҳаққоний ифодалашга ҳаракат қилган.

Бажан 1927 йилда босилиб чиққан «Қирғин сояси» ше'рлар китобида тарихий темаларга мурожаат қилади. Аммо бу тўпламга киритилган ше'рларда ўтмиш романтик тарада идеаллаштирилган.

Совет кишиларининг ер юзининг олтидан бир қисмида биринчи бўлиб социалистик давлатни барпо этишлари, гражданлар урушидан сўнгги тикланиш даври ва мамлакатни индустриал программасини амалга оширишдаги қийинчиликларни Коммунистик партия раҳбарлиги остида моҳирлик блан енгишлари Бажан ижодига кучли та'сир кўрсатади. Бажан ижодида социалистик қурилиш темаси борган сари асосий ўринни эгаллайбошлайди. Унинг 1929 йилда босилиб чиққан «Қурилишлар» китоби социалистик қурилиш темаларига бағишланган эди. Ана шу даврдан бошлаб Бажан ижодида тўхтовсиз равишда ҳам ғоявий, ҳам бадиий юксалиш бошланади.

Совет Украинасининг етук шоирлари қаторидан жой олган М. Бажан 1929—1930 йилларда ижод этган бир қатор ше'рларида социалистик гуманизм темасини ёритади. Шоир поэзиянинг ғоявий ва партиявий йўналишга эга бўлиши зарур эканлигини тасдиқлайди. Бунга унинг «Гамлетнинг ўлими» (1932 йил), «Туйғулар трилогияси» (1933 йил) каби йирик асарлари мисол бўлаолади.

1937 йилда Бажан ўзининг «Мангу ҳаёт» деган уч қисмдан иборат поэмасини ёзади. Поэма совет халқининг севимли фарзанди, Ленин — Сталиннинг содиқ сафдоши, коммунизмнинг толмас курашчиси Сергей Миронович Кировга бағишланган. Автор ўз поэмасида оташин нотиқ, букилмас ирода ва мустаҳкам характер эгаси, ҳаёти халқ бахти учун кураш блан тўла бўлган большевик — коммунист образини яратган. Бажаннинг бу поэмаси фикрларининг аниқлиги ва поэтик жиҳатдан соддалиги блан ажралиб туради.

Бажаннинг «Оталар ва ўғиллар» (1938 йил), «Она» (1939 йил) поэмаларида ўлим ва мангулик темаси поэтик воситалар орқали ҳал қилинган. Шоир бу поэмаларида Ватаннинг бахт-саодати учун курашаётган совет кишиларининг қаҳрамонликларини акс этдиради, уларнинг ички дун'ёсини, ма'навий қиёфасини очиб беради.

Халқлар дўстлиги темаси Бажан ижодида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг 1939 — 40 йиллар мобайнида ёзилган «Грузин ше'рлари», «Ўзбекистон ше'рлари», «Борислав ҳикоялари» каби асарларида СССР халқларининг бузилмас дўстлиги, қардош республикаларнинг гўзал манзаралари ва отоқли кишилари тараннуми этилгандир.

Бажан Ўзбекистонга бағишланган «Боғбон», «Раққоса», «Темир мақбарасн» каби ше'рларида рус, украин, ўзбек ва бошқа халқларнинг дўстлиги ҳамда ҳамкорлигини ҳикоя қилади. Автор «Боғбон» ше'рида бу дўстликни қуйидагича ифодалайди:

Ҳофиз рубоиси, Пушкин ше'рига
Шевченко ёзган ше'р оҳангдош
янграр.
Халқлар мангу иноқ бири-бирига,
Юзларча тилларда булар жараңглар.

«Раққоса» ше'ри ўзбек халқ ўйинларининг ажойиб устаси Тамара Хонумга бағишлангандир.

Улуғ Ватан уруши йилларида Бажаннинг адабий ва ижтимоий фаолияти кенг қулоч ёяди. У, Украинанинг немис-фашистлари оёғи остида қолган областьларн учун чиқариладиган «За Советскую Украину» газетасининг редактори бўлиб ишлайди, ше'рлар, мақолалар ёзади, радио орқали нутқ сўзлайди. Урушнинг дастлабки кунларида ёзилган «Қасам» (1941 йил) ше'ри фашист босқинчиларига қарши ҳаёт мамот кураши олиб бораётган совет халқи учун жанговар гимн бўлиб хизмат қилди. 1943 йилда Бажан Сталинград мудофаасида қатнашади ва Сталинград жангчиларининг афсонавий қаҳрамонликларини акс эттируви — «Сталинград дафтари» ше'рлар китобини ёзади. Бу китобда автор совет жангчиларининг чуқур ватанпарварлиги, ғоявий мустаҳкамлиги, соф виждонлилиги ва ма'навий жиҳатдан устун туришлигини ифодалайди. 1946 йилда Микола Бажан «Даниил Галицкий» поэмаси, «Қасам» ше'ри ва «Сталинград дафтари» ше'рлар цикли учун Сталин мукофоти лауреати унвонига сазовор бўлди.

Бажан Англияда бўлиб, СССРга қайтиб келганидан сўнг, 1948 йилда «Англия хотиралари» номли ше'рлар тўпламини чиқаради. Тўплам совет шоирининг урушдан сўнгги Англия ҳаёти тўғрисидаги кузатишларини баён қилади.

Бажан Англия ҳақидаги ше'рлар циклида капиталистик Ғарб маданиятининг тушкунликка тушиб бораётганини кўрсатади, янги уруш олови ёқучиларнинг сатирик портретларини чизади.

«Биг-Бен» ше'рида Буюк Британия империясининг инқирозга юз тутганини, сиёсат соҳасида ўз мустақиллигини борган сари йўқотаётганини ҳаққоний акс этдиради. «Лондон кварталларининг бирида» деган ше'рида Россия социал-демократик партиясининг 1907 йилда Лондонда бўлиб ўтган V с'езди картинасини беради. «Англия хотиралари» китоби учун Бажан 1949 йилда яна Сталин мукофотини олишга муяссар бўлди.

М. Бажаннинг асарларини ўзбек китобхонлари севиб ўқимоқдалар. Яқинда Ўзбекистон Давлат нашриёти Бажаннинг ше'рларини алоҳида китоб ҳолида нашр этди. Бу китобга шоирнинг «Қуручи», «Қамолни ёриб ўтиш», «Боғбон» каби ше'рлари ҳамда «Англия хотиралари» циклидан 9 ше'ри киритилган.

М. Бажан Украина Совет Ёзучилари союзининг раиси ва СССР Олий Советининг депутатидир. У, совет адабиёти ва жамоатчилиги олдида қилган самарали хизматлари учун Ленин ордени, Қизил Байроқ ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари блан мукофотланган.

Т. НАЖМИДДИНОВ.

Ҳабиб НУ'МОН

Фаслар

— Нимага мени чақирмадинглар, нега ўзинг бормадинг?

— Машинада жой бўлмади.

Солибек раис блан парторгга термулганча тикка туриб қолди. Аҳмедов Мирзаевга қаради.

— Алижон кейинги беш кун ичида ўнтўрт кишининг нормасини бажарган. Экскаватор ўрнига ишлаб, қўриқнинг зоврини ўз муддатида қазиб тугаллаган. Шунинг учун колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилоти Алижон Тошматовга ва унинг звеносига ташаккур э'лон қилади. Қаршилигингиз йўқми?

— Йўқ, — деди Мирзаев ноилож.

XIII.

Ҳаво очиқ, ғуборсиз. Қуёш сахийлик блан нур сочмоқда. Баҳор шабадаси юзни ёқимли сийпалаб, кўкатларнинг хидини думоққа уради.

Дарахтлар янги либосга ўралмоқда. Шафтоли, ўрикларнинг қизил ва пушти ранг гуллари тобора қуюқлашмоқда. Кечаги ғунча бугун очилиб, новик баргларини ёзмоқда. Тол навдалари куртак чиқариб қизларга «маржон» ҳад'я қилади. Терак ўзига оро бериб, тик қоматини палак кўзгусига ростлайди.

Узоқдаги адрга кўмкўк гилам тўшалгандек. Ундаги арпа-буғдойларнинг кўкати уч-тўрт кун илгариги ёмғир блан ердан анчагина кўтарилиб қолган. Далада мол тўйинчилиги бошланган. Колхоз подасининг оғилдан чиққанига бирнеча ҳафта бўлган. Қиши блан қуруқ хашак ме'дасига теккан молларда биринчи кун кўкка теккандаги очкўзлик йўқ.

Иван Григорьевич бошлиқ трактор бригадасиничг чигит экишга тушганига бугун уч кун бўлди. Эрталабдан бери биринчи бригаданинг Меҳрибой звеносида ишлаётган чизельля трактор Шерматота звеносига ўтганда тўхтаб қолди. Одамлар трактор атрофида ўрмалашабошладилар. Далани айланиб юрган раис ҳам, парторг ҳам ҳозир бўлдилар. Узоқдан уларнинг сўзини эшитиб бўлмайди. Шерматота бўғилиб, агрономга гапиради. Агроном отага ниманидир уқтирмоқчи бўлади.

Лолахон узоқ кузатиб турди. Тағин бирор кўнгилсиз воқеа бўлаётганига кўзи етиб безовталанди. Лекин одамлар тарқалишди. Агроном тракторчига бир нарса деди-да, отига минди ва иккинчи бригаданинг зовури тепасидаги йўлдан от солдирди. У ўзича гапирар эди. Лолахонни кўриб, оғзи пичирлашдан тўхтади. Лолахон «нима гап» деб сўрагач, отини тўхтатди, бошини чайқаб кулди-да, «ҳеч гап эмас, эски ҳангама, синглим» деди.

— Мен бирор гап бўлдими, деб ўйладим.

— Чизельлашнинг ҳам ҳожати йўқ эди. Ота тушмагур, «тупроқ чўккан, ҳайдатмасам бўлмайди» дейдилар, зўрга кўндирдик, — агроном кетди.

Тушлик овқатдан кейин Лолахон, Шарофатхолани имлаб ёнига чақирди.

— Нима ишингиз бор эди, Лолахон?

— Ҳали мен блан бирга Алижон акамни кўргани боришиб келсангиз.

— Хўб, жоним блан, тузукми, ўзи?

— Ўтган куни борганимда оғир эди. Кеча кўришканлар тузук дейишяпти.

Лолахон колхозчилардан илгарироқ ўз звеносига кетди. Далада одам кўринмайди. Нима учун ёлғиз ўзи шийпондан буёққа келаётганини билмас эди. У кенг далада узоқ-узоқларга тикилди, нафас оларкан, қўрсиниб қўяди. Гўё бу блан томоғининг бўғилишидан қутилгандек бўларди. Лекин, яна кўкраги қисилади. Доим умид ва орзулар блан тўла хаёлига мудҳиш шубҳалар келабошлайди.

У, шудгорни кесиб ўтиб, тут дарахтининг тагидаги ариққа оёғини солиштириб ўлтирди. Ариқ бўйидаги ялпизнинг ҳиди гуркираб кетди. Тутларнинг тагида ғунафшалар қубба-қубба бўлиб очилиб ётади. Ғунафшалардан териб бир даста қилди. Орасига барглардан қадаб, чиройли қилиб боғлади-да, тут дарахтининг ўтган йил кесилган бутоқлари орасига қўйди.

Шундан сўнг бироз енгил тортиб ўрнидан турди. Икки звено ерини бўлиб турган ўқариқ ёнидаги ҳовузчага чўнқайди. Ундаги чигитдан бир дона олиб, тиш блан чақиб кўрди. «Ҳали бор» деди-да, Алижон звеносига ўтди. Звено а'золари икки гектар ерни текислаб бўлиб, қўриққа ўткан эдилар. Колхозчилар унга бир-бир қараб олсалар ҳам иш-дамай ишлар эдилар.

Лолахон янги зовур тепасига борди. Лекин нимага бу ерга келиб қолганини билмас эди. Чўқур зовурнинг ичига кўз югуртирди. Ҳали сув қўйилмаган зовурнинг таги ва ёнларида кетмоннинг излари ўзига хос манзара ҳосил қилган. Бирор ерда кирган-чиққан жойи йўқ.

Лолахон Алижоннинг кейинги икки кун ичида қилган ишини чамалаб кўраркан бадани жимирлашиб кетди. «Чиннакам азамат» деди, кўз ўнгида зовур қазиётган йигитнинг симоси гавдаланди. Лекин хаёли дарров шифохонага кетди. Алижон касал-кроватда ётади. Лолахон икки кўзига тўлган жиққа ёшни артдию, зовур ёнидан нари кетди.

* * *

Лолахон ишдан уйига вақтлироқ қайтиб, онасига қарашди, сомсанинг ҳамирини юпқароқ ёйишни та'кидлаб ўзи гўштни қийма қилди. Сомсани тугишиб, тандирга олов ёқди-да, юз-қўлини ювиб уй ичига кирди. Артиниб, ойнада юқ-буёғини тузатди. Сочини тараб, тоза кийимини кийди.

Ҳозиргина даладан қайтиб, айвонда кўрпачага ёнбошлаб ётган Шерматота қизининг уйга кирганини пайқамадими ёки пайқаса ҳам ўз хаёли блан бўлиб э'тибор бермадими, ҳарҳолда қарамади. Лолахон отасининг боя далада кайфи бузилганини билгани учун гапиришга ботинаолмади. Уй ичида оёғини секин босиб, товуш чиқармасликка ҳаракат қиларди.

Кўча эшик очилиб, Турсунхолаларнинг хотин киши блан кўришган овози эшитилди. Шерматота айвондан қўзғолиб ҳовлига тушкан эди, Шарофатхолага кўзи тушиб «келинг оқсоқол, қани уйга киринг, нечук худо ярлақади» деди-да, қўйларга хашак солиш учун молхонага кириб кетди. Тандирдан сомса узаётган Турсунхола қўлида енглик тутган ҳолда «Лола уйда ўлтирибди, кирақолинг» деди. Шарофатхола эшикни очиб Лолахоннинг олдига кирди:

— Қани, отланмайсизми, кечга қолмайлик.

— Кеч қолмаймиз, машина бир пастда олиб боради, сомса пишсин.

— Колхоз машинасида Ғуломжонлар шаҳарга кетаётир, шулардан қолмасак бўлар эди.

—Яна кимлар бор?

— Бошқалар ҳам кўринади, кимлигига яхши разм солмадим.

Турсунхола сомсани узиб бўлиб, молхонада моллар блан алахсиб юрган Шерматотани чақирди. Катта баркашдаги сомсадан лаганга солиб, айвонга қўйди. 15 — 20 тачасини иккита патир орасига олиб уйга кирди.

— Лола, мана, нима қиласан буни?

Лолахон онасининг қўлидаги патир блан сомсани олиб, бир варақ катта оқ қоғозга ўради. Турсунхола айвонга чиқиб кетгач, чемодандан янги рўмолча ва шкафдан ғунафшани олди-да, ҳаммасини тугди.

Айвондаги столнинг тўрт томонида ўлтириб сомса едилар. Кичкина-кичкина тўртбурчак сомса синга пишкан, ичидаги ёғлиқ гўшт мурич аралаш қўшилиб тутилган пиёзнинг та'мини ўзига олиб, жуда лаззатли бўлган эди.

Шерматота сомсадан кейин бир пиёла чой ичиб ўрнидан турди. У Шарофатхолани «ўзи бир айланиб, ҳангамалашиб келай деб келгандир» деб ўйлаган эди. Ҳалқит бермай қўяқолай деди-да, идорада иши борлигини баҳона қилиб кўчага чиқди. Отадан кейин ярим соатча ўлтириб булар ҳам турдилар.

— Боламни сўраб қўйинглар, — деди Турсунхола меҳрибон товуш блан.

XIV

Ғуломжон Алижоннинг шифохонага олиб кетилганлигини бошқа колхозчилар қатори эшитган бўлса ҳам бепарво бўлаолмади. «Бориб кўриш керак» деган фикр хаёлидан нари кетмади. Кўрганларидан сурштириб, Алижоннинг кўзини очиб ётганини, гаплашганини билди. Шаҳарга тушадиган машина бўлиб қолар, дедида кечга томон гузарга чиқди.

Гараждан чиққан машина шаҳар томонга қараб тўхтаб турган эди. Машина ёнига яқинлашганда мактаб томонидан келаётган Қосимовга кўзи тушди. Қосимов тўғри унинг олдига келди.

— Салом, Ғуломжон, шаҳарга тушмоқчимисиз?

Ғуломжон қўлини узатаркан:

— Ҳа, шаҳарга бормоқчиман, — деди.

— Ишингиз зарур эмасми, мен ҳам бормоқчи эдим. Бир отамлашардик.

— Йўқ, унчалик зарур эмас, — деди Ғуломжон мойиллик блан,—Алижонни кўрмоқчиман, колхозчилик, тузалиб чиққанда кўз-кўзга тушса яхши эмас.

— Албатта, — Қосимовга Алижонни бориб кўриш ортиқча кўринса ҳам ичида «Ғуломжон яхши йўлаган» деб қўйди.

— Мен ҳам кўраман.

Иккови юк машинасига ўлтирди. Булар сўзлашиб турганда Шарофатхола ўтиб кетаётган эди. Ғуломжон э'тибор бермаса ҳам Қосимов унинг қаёққа кетаётганини кузатиб турди.

Алижонни кириб кўришгандан кейин Ғуломжон Қосимовнинг бирор ерга бошлашини кутган эди. Лекин узоққа бормадилар.

Шаҳарнинг бозорга яқин еридаги ошхона одамлар блан тўла. Ошхона ёнидаги очиқ майдонда ўттан йил экилган гулларнинг ўрни бор. Бу ер ёзда чойхона бўлган. Тахта кроватьларга жой қилинмаган бўлса ҳам ҳозир ҳаво очиқ бўлганлиги учун одамлар амонат ўлтириб, ошхонага заказ қилган кабоб, сомсаларни емоқдалар.

Кўчанинг нариги томони девор, деворнинг ичи кичкинагина боғ. Ҳархил дарахтлар блан қопланган боғчанинг ўнг томонидаги кўчанинг бошида касалхонанинг эшиги кўриниб турипти. Бемор кўргали келган кишилар шу ердан мурожаат қиладилар. Боғча ҳам, шифохонанинг эшиги ҳам ошхонанинг рўпарасида бўлгани учун бу ерда ўлтирган киши шифохонага кириб чиққан ҳарбир одамни кўриши мумкин.

Официантка катта тарелкада саккиз-ўн сих кабобни олиб келиб, тахта кроватьнинг четида оёғини солинтириб кўчага қараб ўлтирган Ғуломжон блан Қосимовнинг ўртасига қўйди. Кабобнинг жизиллаши ҳали тинмаган. Ундан кўтарилган буғ устидаги майда тўғралган пиёзга уриб иштаҳани қўзғотучи ҳид тарқатмоқда.

— Қиттак-қиттак қиламизми? — Қосимов сўради.

— Қўйянг, шу сафар бош оғриғисиз кетайлик.

— Қулинг ўргилсин кабоб бўпти, — деди Қосимов, оғзига келиб турган сувни қулт этиб, ютиб, сўнг муйнилишдаги магазинга пилдираб кетди. Ярим литр оқидан олиб келиб ўлтиргач:

— Кўпдан бери улфатчилик қилганчмиз йўқ,—деб қўйди. Шишанинг оғзини очиб, катта стаканни яримлатиб қуйидда, ўзи ичди, ундан кўпроқ қилиб Ғуломжонга узатди:

— Ўлмайлик!

Ғуломжон ҳам ичди.

Катта йўлдан одамлар ўтиб турипти. Машиналарнинг кети узилмайди. Айниқса бугун шанба бўлгани учун кинога, театрга бораётган одамлар, ясангантусанганлар кўп. Бир қиз Қосимовларнинг тўғрисига келганда тратуарда тўхтаб бировдан ниманидир сўради. Кийинишн студентга ўхшайди. Қоматн жуда келишган, истараси иссиқ, лекин кулча юзи ташвишли кўринарди. Ҳалиги одам жавоб беролмади шекилли, қиз тўрт-беш қадам юриб келиб:

— Касалхонага қаёқдан кирилади? — деб сўради.

— Ану кўчадаги, ҳу ўша дарвоза, — Қосимов дарвоза кўриниб турган бўлса ҳам ўрнидан туриб, қиздан икки қадам ўтиб кўрсатди. Қиз дарвозага қаради-да, «раҳмат» деди ва Қосимовнинг ёнидан қимтиниб ўтди.

Қосимов қайтиб келиб ўлтираркан тиззасига шаполоқлаб бир уриб қўйди. У бир нарса кўнглига ма'қул тушган ва хушчаҳчаҳ вақтида шундай қиларди. Ғуломжон кулдию, аммо қизнинг аҳволига ачинди:

— Битта-яримта одами оғир касалга ўхшайди, жуда х

Йиғим-терим сур'атини тобора ошириб, давлатга кўпроқ отбор сорт пахта топширайлик!

☆ ☆

Оққўрғонда пахтани машина блан теришга етарли аҳамият берилмаётир

Оққўрғон райони пахта териш ва уни давлатга топшириш бўйича сентябрь ойи графигини бажараолмади, давлатга 38 ўрнига фақат 22,5 процент миқдорида пахта топширилди, ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан эса қарийб 11 процент орқада қолинди.

Областьнинг каттагина салмоққа эга бўлган, юқори ҳосилли бу районидаги колхозларда пахта йиғим-терими сур'атини ошириш учун имкониятлар борми? Ҳа, жуда катта имкониятлар бор. Райондаги ҳар иккала МТС янги машиналар блан тўла та'минланган. Меҳнатни тўғри ташкил қилиб, техникадан унумли фойдаланаётган илғор колхозлар, ҳамда механик-ҳайдовчиларнинг тажрибаси район колхозларида пахта териш ва уни давлатга топшириш сур'атини кун сайин ошириш имконияти борлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашнинг борыши тўғрисида» деб чиқарган қарорида тавсия этилган тадбирларнинг тўла амалга оширилиши туфайли райондаги «Сталинчи», Сталин номли, Будённий номли колхозларнинг а'золари пахта теримини намунали уюштириб, кунига йиллик планнинг 2 процента миқдорида давлатга пахта топширмоқдалар. Ўз машинасидан моҳирлик блан фойдаланаётган 2-нчи МТСнинг илғор механик-ҳайдовчиси Ўртоқ Х. Тожиқулов 7 кунда 15 тонна пахта териб топширишга муваффақ бўлди. Шунингдек, Б. Эшонқулов, С. Ҳасанов, Э. Тангрибердиев каби ўртоқлар ҳам кунига 2 тоннадан ошириб пахта тераётирлар. Лекин, район бўйича олганда пахта йиғим-терими ҳозирги кунининг юксак талаблари даражасида ташкил этилмаган.

Терим арафасида район партия комитети ҳамда район ижроия комитети пахта тайёрлашни тезлатиш мақсадида янги график тузган эди. Бу графикка кўра район 10 октябрьгача давлатга йиллик планнинг 52 процента миқдорида пахта етказиб бериши, ҳар куни 2,8 процентдан пахта тайёрланиши зарур эди. Аммо район партия, совет ташкилотлари, колхоз раҳбарлари, айниқса МТС директорлари пахтани йиғиб-териб олишда ўтган йилдагига қараганда ёмон ишламоқдалар.

Тузилган шартномага мувофиқ 1-нчи МТС бу йил колхозларнинг 2950 гектар ердаги пахтасини машина блан териб бериши, бунинг учун жойларга сифатли ремонт қилинган 87 та пахта теріш машиналар юборыши керак эди. Лекин, МТС дирекцияси пахта териш машиналарини ўз вақтида ремонтдан чиқариб, теримга тайёрлаш ишига мас'улиятсизлик блан қаради. МТС директори вазифасини бажараётган Валиев, бош инженер Васильковский, пахта териш машиналарининг механиги Чепенков ўртоқларнинг айби блан ремонт ҳаддан ташқари кечикди. Пахтани машина блан теришни оммавий равишда қизитиб юборадиган ҳозирги ғанимат кунларда МТС базасида 6 та машина ҳалигача ремонт қилинмай турипти. Колхозларга юборилган 81 та машинанинг кўпчилиги сифатсиз, пала-партиш ремонт қилинганлиги сабабли ҳар куни 10 — 15 лаб машина бузилиб, бекор туриб қолмоқда. Тельман номли колхозда 3 та, Куйбишев номли колхозда 2 та, «Ленинобод», «Сталинобод», Молотов номли ва бошқа колхозларда ҳам 2—3 тадан машина ишдан чиққан. МТС дирекцияси бу ҳолдан хабардор бўлса ҳам трактор бригадаларига техника ёрдамини кучайтирмаётир, машиналарнинг унумли ишлаши учун зарур чораларни кўрмаётир. Ўртоқ Валиев бўлса: машина блан пахта теришни кўнгилдагидек ташкил қилаолмаётирмиз, яхши ишлаётган машина ҳам кунлик нормани бажармайди, деб афсусланади, холос.

Машиналарнинг иш унуми ҳаддан ташқари паст. Механик-ҳайдовчиларнинг нормаг ва унумли ишлаши учун зарур шароитлар яратиб берилмаган. Сережкин, Волков ўртоқлар бошлиқ бригадалар қониқарсиз ишламоқда. Улар бошқараётган машиналар соатлаб бекор туриб қолади, механик-ҳайдовчилар қимматли вақтдан тўғри фойдаланаолмайдилар. Шунингдек, айрим вақтларда ўзбошимчалик ҳоллари ҳам учраб туради. МТС учётчиги Федюнин Тельман номли колхознинг 7-нчи бригадасида пахта тераётган машинани иши тамом бўлмасдан туриб 8-нчи бригадага мажбуран ўтказган.

Ўртоқ Мухторов директорлик қилаётган 2-нчи МТСда ҳам аҳвол яхши эмас. 9 та пахта териш машинаси ремонт қилинмай МТС ҳовлисида ётипти. Биз Каганович номли колхоздаги механик-ҳайдовчиларнинг иши блан танишдик. Колхозда 500 гектар ердаги пахта машина блан терилиши планлаштирилган. Лекин, колхоз правленияси пахтани машина блан теришга пухта тайёргарлик кўрмаган. Колхоз раиси Ўртоқ А. Нагай бу муҳим масалага аҳамият бермай, ишни пайсалга солиб юрипти. Колхозда машиналарнинг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб берилмаган, ўқариқлар текисланмаган, далалар ёввойи ўтлардан тозаланмаган.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Х. Раҳмонов эса Т. Турғунбоев бошлиқ 14-нчи бригадада пахта тераётган машинани ишдан тўхтатиб, Иноятов бошлиқ 8-нчи бригадага ўтишга мажбур қилган. Эртасига машина ўз бригадасига яна қайтарилган. Натижада 22 километр бекор йўл босган машина қарийб икки кун пахта термаган.

Ўртоқ Нагай МТС раҳбарлари ва давлат агрономларининг талабларига қулоқ солмай, ўзбошимчалик қилар экан, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари Ўртоқ Р. Бердиев нега бу ўртоқларга та'сир кўрсатаолмайди?! Бундай ўричсиз ҳаракатга «бўлар иш бўлипти» деб иккиланиб қараш тўғри эмаску! Бунинг устига райкомнинг инструктори ўртоқ Хан ҳам бу колхозда ҳафталаб бўлмайди. Оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилишга ёрдам бермайди.

Район колхозларида пахтани машина блан теришга бағишлаб кенгашлар ўтказилди, МТС директорлари, колхоз раислари мажбурият олиб, катта ва'далар бердилар. Аммо ҳозирги пайтда қарорлар ҳам, ва'далар ҳам амалга оширилмай, қоғозда қолиб кетмоқда. Район партия комитети, район ижроия комитетининг раҳбарлари пахтани машина блан теришга э'тиборни кучайтириб, йиғим-терим сур'атини ошириш тадбирларини кўришлари ва тузилган графикнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Ўртачирчиқ районидаги Ворошилов номли колхознинг а'зоси Ўртоқ Б. Бекбердиева ҳар куни 140—150 килограммдан пахта териб, бошқаларга намуна бўлмоқда. **Суратда:** Ўртоқ **Б. Бекбердиева** пахта тераётир.
М. Шевелев фотоси.

Пахта далаларида

Пискент районидаги Сталин номли колхознинг комсомол-ёшлари пахта йиғим-теримида ўз вазифаларини шараф блан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Хафиза Ахмаджонова, Хафиза Вахобова, Соҳиба Ғуломова каби ўнлаб комсомоллар график бўйича белгиланган 80 килограмм ўрнига ҳар куни 150—200 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Шу колхознинг Муҳим Гайдаров, Жаҳон Ахмаджонова, Тожихон Мовлонова бошлиқ звено а'золари шу кунгача давлатга йиллик планнинг 90 процента миқдорида пахта топширдилар.

Э. ЭШОНҚУЛОВ.

* * *

Кенг пахтазор бўйлаб, меҳнат ялласи янграмоқда. Бу ерда Ўртачирчиқ районидаги Ильич номли колхознинг Холиджон Қаюмов бошлиқ бригада а'золари пахта термоқдалар. Улар орасида колхознинг мохир теримчиси Рахимахон Тўхтаева ҳам бор. У, ўз дугоналаридан олдинда бормоқда. Рахимахон икки қўллаб, чаққон пахта термоқда. Моҳир теримчи ўтган йили 12100 килограмм пахта терган эди. У, бу йил 15000 килограмм пахта териш мажбуриятини олган. Раҳимахон ҳар куни 250—260 килограммдан пахта термоқда. У, шу блан бирга ўз тажрибаларини ўртоқларига ҳам ўргатаётир. Ундан ибрат олган Нусратой Ғаппорова, Махбуба Умарова, Тожихон Ҳамидконова каби ёшлар ҳар куни 150 — 180 килограммдан пахта термоқдалар.

Қ. АБДУРАҲМОНОВ.

* * *

Эргашой блан Хоснятхонинг номини барча колхозчилар ҳурмат блан тилга оладилар. Улар бундай ҳурматга ўзларининг ҳалол меҳнатлари туфайли эришдилар. Ўтган йили Ўзбекистон ССР Олий Советининг Президиуми Мирзачўл районидаги Сталин номли колхознинг бу икки а'зосини мавсумда 12000 килограммдан пахта териб топширгани учун Фахрий ёрлиқ блан мукофотлаган эди. Бу йил улар 15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Дугоналар ва'даларининг устидан чиқиш учун астойдил курашиб, ҳар куни 200—250 килограммдан пахта термоқдалар.

— Биз, — дейишади дугоналар, — олган мажбуриятимизни шараф блан бажариб, республикамизнинг 30 йиллик юбилейини муносиб кутиб оламиз.

Х. САГИЗОВ.

☆ ☆ ☆

Ориф Эргашев нега тажанг бўлмоқда?

...Ориф Эргашев полвон тарози ёнида навбат кутиб турган машинадаги пахтадан бир чангал олиб, уни икки кафти орасида қисиб кўраркан, пешонаси тиришди.

— Қайси колхоздан, — гапларини тишининг орасидан чиқариб сўради. Шунда кабина эшигидан мўралаб турган шофер:

— «Ўнтўққиз партс'езд» колхозидан, — деб жавоб берди.

—Ифлос пахта олиб келишда сизлардан олдинга тушадигани бўлмайди,— Эргашев бир ҳовуч пахтани яна қанорга тиқиб қўйдида қўлларини қоқди. У автомашина ва автокачалар тизмасига тикилди-ю, тажанг бўлганича завод ёнидаги қабул пункти томон тез юриб кетди.

Чиноздаги пахта тозалаш заводининг директори ўртоқ Ориф Эргашев шу кунларда кабинетда кам ўтиради, уни қачон сўрасангиз «территорияда» деган жавобни оласиз. Директорнинг қизғин паллада шундай қилиши тўғри, албатта. Броқ, территорияда — навбат кутиб турган машина, араваларни кўриб, ана шу автомашина ва араваларда келтирилаётган ифлос, сифатсиз пахтага қараб тажанг бўлиб юришдан нима фойда?! Ўртоқ Эргашев шоферларга, аравакашларга: «Ҳа деб ифлос, нам пахта келтиравераисаларми, ахир бу аҳволдан қачон қутиласизлар», деб аччиқ қилади. Нима учун у, шу гапларни колхозларнинг раисларига юзма-юз туриб айтмайди, улардан юқори сифатли пахта юборилишини талаб этмайди. Айтишга-айтади, қандай оҳангда денг:

— Норқўзиака («XIX партс'езд» колхозининг раиси) шунақа бўлмасинда, ахир пахта сифатсиз бўлса кимга зиён...

Ёки:

— Жабборака («Қизил октябрь» колхозининг раиси) сифатсиз пахта топшириш сизнинг ша'нингизга тўғри келмайдику, ишнинг бу томонига ҳам бир қараб қўйсангиз...

Директорнинг бу гапига раислар: «Хотиржам бўлинг, бундан кейин дўндирамиз...» деб жавоб қайтариб кетаверадилар.

Хўш, завод директори ўртоқ Эргашев келтирилаётган пахтанинг нима учун сифатсиз бўлаётганлиги, ҳом пахта олиб келиш ҳоллари учраётганлиги блан чинакамига қизиқмаслигига сабаб нима?!

Колхозлар давлатга қанча кўп сифатли пахта топширсалар, шунча кўп даромад олишларини ҳамма яхши билади. Лекин айрим раислар бунга етарли аҳамият бермайдилар. Улар, пунктга қанча кўп пахта тўкасак, планни тезроқ бажарсак, ҳаммаси қопланиб кетади, деб бирёқлама ўйлайдилар.

• • •

Юқорида эслатиб ўтилган «XIX партс'езд» колхозининг шу вақтгача топширган пахтасидан 21,5 тоннаси ифлос бўлганлиги учун чегириб ташланган. Я'ни колхоз заводга 73 минг 425 сўм жарима тўлаган. Колхоз раиси Норқўзи Холматов худди ана шу қизғин кунларда «ҳа бўл» қобилида иш кўриб, пахтанинг сифатли терилиши ва унинг ўз вақтида сифатли қуритилиши устидан ғамхўрлик қилмаётир. Колхознинг кўпгина бригадаларидаги хирмонлар сувалмаганлиги учун тупроғи ўйнаб ётипти. Бу ерларда қуритилаётган пахтанинг анчагина қисми тупроққа аралашиб нобуд бўлмоқда, ёки қабул пунктига келтирилганда сифатсиз пахталар ҳисобига қабул қилинаётир. Райондаги йирик «Қизил октябрь» колхозида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2 — 2,5 процента миқдорида пахта топшириш учун курашаётир. Сур'атни кучайтириш тўғри, лекин сифатга ҳам алоҳида э'тибор бериш керак. Ахир колхоз кўп пахта топшираётгани блан унинг ма'лум қисми завод томонидан жарима учун босиб қолинмоқда. Колхоз шу кунгача заводга 55 минг 860 сўм жарима тўлаган.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, Чиноздаги пахта тозалаш заводининг директори Эргашев ва завод ихтиёридаги пахта тайёрлаш пунктининг мудири Зуннурова ўртоқлар колхозларда пахтани сортига ажратиб териш тўғрисида ҳеч қандай иш қилмаётирлар. Улар колхозларга тез-тез чиқиб турганликларини айтсалар ҳам, лекин қандай тадбирлар кўрилаётгани ҳақида ҳеч нарса деёлмайдилар. Масалан, ўртоқ Эргашев Сталин номли, Маленков номли, Каганович номли колхозларда бирнеча марта «бўлдим», дейди. Унинг ҳикоя қилишича бу колхозларда хирмонлар сувалмаган, пахта тупроқ жойларга ёйилмоқда. Биз Ўртоқ Эргашевдан завод ма'муриятя қандай тадбирлар кўраётир, деб сўраганимизда, у шундай жавоб берди:

— Колхоз сифатсиз пахта топширса ўзига зиён, завод барибир жарима солаберади...

Завод директори ўртоқ Эргашевнинг бу жавоби мутлақо нотўғри. Бунинг ўрнига завод ва пахта тайёрлаш пункти ходимлари колхозларга чиқишлари ва у ерда пахтани сортига ажратиб териш тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб боришлари керак эди. Завод ихтиёридаги пахта тайёрлаш пункти ходимлари ҳам колхозларда камдан-кам бўладилар. Теримчилар ўртасида суҳбатлар ўтказмайдилар, отбор ва биринчи сорт пахта терганликлари учун уларга кўп ҳақ тўланишини тушунтиришда колхоз правлениелари ва партия ташкилотларига ёрдам бермайдилар. Натижада райондаги кўп колхозлар топшираётган пахта фақат биринчи сортга қабул қилинаётир.

2 октябрьгача Чиноз район колхозлари заводга 1922 тонна пахта топширганлар. Шундан 126,5 тоннаси отбор сортга қабул қилинган, холос. Пахтанинг энг пишиб етилган даврдаги ҳосилининг эндигина 7 процента отбор сортга топширилганлиги нечириб бўлмас бир ҳолдир. Чиноз районидаги пахта тозалаш заводи ва завод ихтиёридаги пахта тайёрлаш пункти ходимлари давлатга кўпроқ отбор сорт пахта етказиб бериш тўғрисида жиддий ўйлашлари, бу соҳада колхоз правлениелари блан биргалинда амалий иш олиб боришлари керак.

Броқ завод ма'мурияти бу тўғрида етарли иш олиб бормаётир. Қабул пунктида лаборант етишмаётганлиги сабабли колхозлардан кетма-кет келиб турган автомашина ва аравалар завод майдонида бирярим-икки соатлаб тўхтаб қолмоқда.

Чиноз районидаги пахта тайёрлаш пункти дарвозаси ёнида...
Рассом Н. Меломед.

Шуни ҳам айтиш керакки, завод территориясида тўкилган пахтани ўз вақтида териб олимайди. Арава ва автомашиналар тўхтовсиз ўтиб турганлиги сабабли ерга тўкилган пахта тупроққа қоришиб, нобуд бўлмоқда. Бу аҳволни ўртоқ Эргашев жуда яхши биладп. Лекин ана шу тўкилган пахтани териб олиш учун фақат бир киши ажратилган.

Давлатга кўпроқ отбор ва биринчи сорт пахта топшириш соҳасида завод ма'муриятя ва тайёрлов пунктининг ходимлари астойдил Энди ўртоқ Эргашев ўрнига, амалий тадбирлар белгилаши ва келтирилаётган пахтанинг ўз вақтида пешма-пеш қабул қилиб олиниши учун тўла шароит яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилиши зарур.

С. МАҲКАМОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

СХМ—48 М машинаси блан бир кунда 5113 килограмм пахта терилди

Октябрь районидаги Киров номли колхозда хизмат қилаётган илғор механик-ҳайдовчи Петр Черних ўз таклифига мувофиқ такомиллаштирилган СХМ-48 М маркали пахта териш машинасини синовдан ўтказиб ўзлаштирди. Бу машина меҳнат унумини ошириш, теримда пахта нобудгарчилигини камайтириш имкониятини беради.

Ўртоқ П. Черних синов процессида СХМ—48 М машинаси ишини қунт блан ўрганди ва меҳнат унумини ошириш йўлларини аниқлади. Шунинг учун у, ҳозир теримда меҳнат унумини тобора оширмоқда. Масалан, ўртоқ П. Черних 28 сентябрь куни 5113 килограмм пахта терди.

Ўртоқ П. Черних СХМ—48 М пахта териш машинасини ишлатиш усулини такомиллаштириб, меҳнат унумини янада ошириш учун курашмоқда.

В. ХОЛМАТОВ.

— Алижоннинг опасику — деди ва ўрнидан туриб унинг олдига борди-да, болаларини, эрининг аҳволини сўради. У ҳам Ғуломжоннинг ота-оналари, келинойиларининг соғлиғини суриштирди.

— Кеча кечқурун шунақа ёд эшитиб қолдим, — деди Хайри опа. — Кечаси блан ухламай чиқдим. Арслондек укам...

— Йиғламанг опа, отдек бўлиб кетади, ҳали мен ҳам кўриб чиқдим. Докторлар сра хавфи йўқ, жуда тез тузалиб кетади дейишди.

— Айтканингиз келсин, етимликда ўсиб шунчалик бўлганида...

Булар сўзлашиб турганида қиз магазиндан бир нима олиб, яна касалхонага кириб кетди. Ғуломжон унинг кимлигини сўрамоқчи бўлган эди, такси машина тўхтаби, ундан Лолахон блан Шарофатхола тушди. Лолахон «Ғуломжон бу ерда нима қилиб юрибди» деб унга ўгирилган эди, кўзи Алижоннинг опасига тушди. Лолахон Хайриопани колхоз бирлашган вақтда, Паркентга кўчиб кетмасдан олдин бир кўриб, бирпасгина гапиришган. Шарофатхола уни сиртдан билса ҳам ўзини кўрмаган эди. Лолахон дарров таниб кўришди. Хайриопа ҳам уни таниди:

— Отам бақувватмилар, ойингиз эсон-омонмилар.

— Шукур, — деди Лолахон.

Шу пайт унинг кўнглида алланечук кечирмалар пайдо бўлди. Хайриопанинг оддий кўринишида қандайдир меҳрибонлик, аллакимга ўхшаш қайноқлик бор эди. Лолахон ўзини шу аёл блан кўп йиллардан бери бирга бўлгандек ва бундан сўнг бирга бўладигандек сезди.

— Биз Алижонакамни кўриб чиққунча кетмайсизми?, — деб сўради Лолахон.

— Йўқ, ҳозир кетамиз.

— Бугун биз блан колхозга борақолинг.

— Раҳмат синглим, Алижон тузалиб кетса, борармиз.

Яхши боринг, яхши қолинг қилиб хайрлашдилар. Лолахон блан Шарофатхола касалхонага бурилишган эди, эшикдан ҳалиги қиз чиқиб, кўчанинг ўртасида буларга дуч келди. Лолахонга, сўнгра Шарофатхолага бир қараби-да, кўзини ерга тикканча ўтиб кетди. Унинг узун киприклари, шаҳло кўзлари кишига жуда яқин эди.

— Яхши қиз экан-а, бўйлари санобиттаккина. — Шарофатхола орқасига яна бир қараб суқланди.

— Ҳа, — деди Лолахон хасадланиб, эшикка яқинлашганида ихтиёрсиз орқасига қаради. Шу вақт қиз Хайриопа блан гаплашиб турар эди. Лолахон ҳайрон бўлди. Ичкарига кирар экан хаёли Хайриопа блан қизда эди.

Палата эшиги олдида туришиб қолишди. Шифохона ҳалатини елкасига ташлаб, кроватьнинг ўрталиғига табуреткани суриб ўлтирган Шерматова Алижоннинг юзига тикилганча оталарга хос ваз'иятда аста-аста бир нималар дер эди. Алижон отанинг сўзини тинглар экан, таскин ишорасини билдирар, ярим ёнбошлаган ҳолда отанинг ҳурматини сақлашга ҳаракат қилар эди:

— Кираверинглар, — деди ота, — сизлар ҳам келиб қолибсизлар, энди, мен кетақолай, Алижон.

— Хўп, ота, раҳмат, бошим кўкка етди.

Ота чиқиб кетди. Хола блан Лолахон Алижоннинг олдида ярим соатча бўлишди. Алижон анча тетик, кундан-кун касали йўқолиб, тез тузалмоқда эди. Лолахон ич-ичидан севинди, лекин кўз ўнгидан бояги қиз кетмас эди. «Ким у» деб Алижондан сўрашга оғзини жўпласа ҳам яна ўйлаб қолди: «Бегона қиз бўлса уялиб қолмай, Шарофатхола нима дейди».

Кўчага чиққанларида Хайриопа блан қиз кўринмасди, Ғуломжон блан Қосимов туришган эди. Яна ичишган бўлса керак, иккисининг ҳам ранги қизариб кетган. Қосимов Лолахонга қўлини узатди. Лолахон ҳам қўлини бериб кўришда-да, Қосимовнинг қон талашган кўзларига бир қараб олгач, Ғуломжондан сўради:

— Кетмайсизми?

— Биз тамошага кирмоқчимиз.

— Юринг сиз ҳам, — Қосимов таклиф қилди.

— Раҳмат, — деди Лолахон энсаси қотиб.

Шарофатхола автобус тўхтайдиган жойда кутиб турар эди. Лолахон унинг ёнига борди. Қосимов блан Ғуломжон кўчанинг нариги бетига ўтиб, тратуардан кетдилар.

XV.

Алижон касалхонада икки ҳафта ётди. Шу муддатда Лолахон кунора, уч кунда бир бориб турди. Қизнинг кимлигини сўрамоқчи бўлса ҳам Алижонни қойитмасликни кўзда тутиб индамас, «тузалиб боганда суриштириб, биларман» деб ўйласа ҳам, яна сабри чидамас эди. Шарофатхола бўлса сра кўрмаганлигини айтди. Ўша куни қиз шифохонадан чиқиб Хайриопанинг ёнига борганда Ғуломжон ҳам турган эди, кимлигини Ғуломжон билса керак, деб ўйлади.

Бир куни Ғуломжон қандайдир юмуш блан иккинчи бригаданинг шийпонига келиб қолди. Ҳамма дам олиб ўлтирган эди. Шунда гап уриниб келиб, шаҳарда қанақа тамошалар қўйилаётгани устида тўхтади. Шарофатхола сўзни айлантириб, Қосимов блан бирга юришгани, Хайриопа ёнида туриб, қизни кўришган пайтга тақади-да:

— Ғуломжон шаҳарга бечиз бормайдилар, — деб кулди.

Шарофатхоланинг мақсади ўша кунги қизнинг кимлигини билиш устида эканлигини Ғуломжон пайқади. Кулиб ҳаммага кўз югуртириб чиқди. Лолахон четга қараган киши бўлиб диққат блан қулоқ солиб турар эди. Ғуломжон пайти келганидан фойдаланиб:

— Унинг менга алоқаси йўқ, — деди.

— Кимга алоқаси бор?

—Келганда ўзидан сўраб биласиз,— Ғуломжон сездирмасдан Лолахонга кўз қирини ташлади. Лолахоннинг ранги қув ўчиб кетди.

— Кимнинг қизи экан, билмадингизми? — Шарофатхола шошиб сўради.

— Шуни сўрамабмиз, опасидан аввал қиз кириб чиқди, кейин яна кириб анча вақт йўқ бўлиб кетди. Ҳайриопадан суриштириш ҳам эсимизга келмабди.

Бу сўзлардан колхозчилар тузук-қуруқ бир нарса англамадилар. Аммо Ғуломжон Лолахоннинг юрагига туз сепган эди.

Шу кундан буён Лолахон минг ёқин ўйлайди. «Синглисимикин, синглиси бўлса кўрмасмидик, ўзи ҳам айтар эди, жиянлари ҳам ёш, бошқа яқин қариндошим йўқ деган эди, ким бўлди экан...»

Яна ўйлади: «Наҳотки Алижонни кўргани келган бўлса, йўқ, бегона қиз, лекин нега Хайриопа блан бирга юради, Ғуломжон «ўзидан сўранг» дедику, у бир балони билган, очиқ айтишга ийманган».

Ўйлаган сари юрагининг аллақаерини бир нарса ачитаётганга ўхшайди. Ҳамавақт ширин ҳаёл ва орзулар блан урган юраги муҳаббатнинг биринчи азобидан қийналади. Лолахон бу азобдан қутилиш йўлларини қидиради. Ўша куни палатага кирганда Алижон уни кўриши блан азод ўрнидан туриб ўлтирди. «Етинг, чарчайсиз» дейишига қулоқ солмай, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилар эди. Гунафшани олар экан «раҳмат, Лолахон» деб суюнганидан кўзига ёш олди, то чиқиб кетгунларича дам гунафшага, дам Лолахонга термулиб ўлтирди.

Лолахон шу дамларни эслар экан «йўқ, мумкин эмас, бошқани севмайди» деди. Лекин юраги тобора ачишарди? Кўнглига келган ҳархил хаёллар янада қуюқроқ қўланка ташлаб, умид учқунларини хиралатмоқчи бўлади. Ўйлаган сари шубҳаси чинга ўхшайди, қалбини ураётган нарса рашкми, ёки хиссиётми — аниқ билолмайди. Аммо шу беш-ўн кун ичида Алижон кўз ўнгидан сра нари кетмайди, кинода бирга бўлганлари, журналдаги сурат, Алижоннинг термулиб туришларини Лолахон сра унутмайди.

Лолахоннинг ўша нома'лум қиз важидан ўзгача ҳолга тушиб қолганини, айниқса Ғуломжоннинг сўзидан кейин хаёлга берилиб кетаётганини Шарофатхола билар эди. Лолахондаги бу ўзгариш кундан-кун кучаяётгани учун ўзича «қуриб кетсин шунақа...» деб қўярди.

Лолахон тush маҳалида даладан келиб, колхозчилар ёнида ўлтирмай ариқ ёнига чўнқайди, юзига ҳовучлаб сув сепди-да, чеккаларига ёпишган сочларини тўғрилаб, толнинг дўппайиб чиққан илдизига урилиб оқаётган сувга тикилиб қолди.

— Алижон яхши соғайиб кетибдими, — Шарофатхола қизни алахситишга ҳаракат қилди.

— Келдику, — Кеча Алижонни машинада ўзи олиб келганини Шарофатхола ҳам кўрган эди, ҳайрон бўлиб ҳолага қаради.

— Биламан келганини, қуввати келса бугун шийпонга келиб қолармикин, дейман.

— Билмадим.

Шарофатхоланинг тахмини тўғри чиқди. Эрталабдан бери ўйнда ўлтириб зериккан Алижон бухгалтернинг хотини қилиб берган қайнатма шўрвани ичгач, отланиб далага, тўғри шийпонга борди. Эгнида костюм, бошида янги тус дўппи, оёғида этик. Костюмнинг елкалари ва қўлтиқлари халфираб турибди. Рангги оқим тортган. Юзи ва қўлларидан қон қочиб, касалнинг та'сири сезилиб турарди.

Шарофатхола шийпоннинг лабига кўрпача солиб берди. Алижон устунга суяниб кўрпачага ўлтиргач бригаданинг а'золари блан сўрашди:

— Тузукмисиз, Алижонака, — Лолахон енгил нафас олди.

— Шукур, раҳмат, ўзингиз чарчамай ишлаб турибсизми.

Колхозчилар ишга тургач, Шарофатхола бир чойнак чой келтириб бериб, идиш-товоқларни ювиш блан машғул бўлди. Алижон бир ўзи қолди. Чойни пиёлага қуйиб қайтаргач, узоқ-узоқларга кўз ташлаб, тўйиб-тўйиб нафас олди. Ҳали ўйнан чиқиб карталарни қузатаркан чигит ердан ниш уриб чиқабошлаганини кўрган эди. Ўзида йўқ қувонди. Ана, колхозчилар далага ёпирилиб ишламоқдалар. Беморлигини билдирмайдилар. Бухгалтернинг хотини айтган сўзларни ҳузур блан эслайди: «Сиз кетибсизки, Лолахонда тиним бўлмади. Бир пайтга тақади-да:

— Ғуломжон шаҳарга бечиз бормайдилар, — деб кулди.

Шарофатхоланинг мақсади ўша кунги қизнинг кимлигини билиш устида эканлигини Ғуломжон пайқади. Кулиб ҳаммага кўз югуртириб чиқди. Лолахон четга қараган киши бўлиб диққат блан қулоқ солиб турар эди. Ғуломжон пайти келганидан фойдаланиб:

— Унинг менга алоқаси йўқ, — деди.

— Кимга алоқаси бор?

—Келганда ўзидан сўраб биласиз,— Ғуломжон сездирмасдан Лолахонга кўз қирини ташлади. Лолахоннинг ранги қув ўчиб кетди.

— Кимнинг қизи экан, билмадингизми? — Шарофатхола шошиб сўради.

— Шуни сўрамабмиз, опасидан аввал қиз кириб чиқди, кейин яна кириб анча вақт йўқ бўлиб кетди. Ҳайриопадан суриштириш ҳам эсимизга келмабди.

Бу сўзлардан колхозчилар тузук-қуруқ бир нарса англамадилар. Аммо Ғуломжон Лолахоннинг юрагига туз сепган эди.

Шу кундан буён Лолахон минг ёқин ўйлайди. «Синглисимикин, синглиси бўлса кўрмасмидик, ўзи ҳам айтар эди, жиянлари ҳам ёш, бошқа яқин қариндошим йўқ деган эди, ким бўлди экан...»

Яна ўйлади: «Наҳотки Алижонни кўргани келган бўлса, йўқ, бегона қиз, лекин нега Хайриопа блан бирга юради, Ғуломжон «ўзидан сўранг» дедику, у бир балони билган, очиқ айтишга ийманган».

Ўйлаган сари юрагининг аллақаерини бир нарса ачитаётганга ўхшайди. Ҳамавақт ширин ҳаёл ва орзулар блан урган юраги муҳаббатнинг биринчи азобидан қийналади. Лолахон бу азобдан қутилиш йўлларини қидиради. Ўша куни палатага кирганда Алижон уни кўриши блан азод ўрнидан туриб ўлтирди. «Етинг, чарчайсиз» дейишига қулоқ солмай, ўзини тетик тутишга ҳаракат қилар эди. Гунафшани олар экан «раҳмат, Лолахон» деб суюнганидан кўзига ёш олди, то чиқиб кетгунларича дам гунафшага, дам Лолахонга термулиб ўлтирди.

Лолахон шу дамларни эслар экан «йўқ, мумкин эмас, бошқани севмайди» деди. Лекин юраги тобора ачишарди? Кўнглига келган ҳархил хаёллар янада қуюқроқ қўланка ташлаб, умид учқунларини хиралатмоқчи бўлади. Ўйлаган сари шубҳаси чинга ўхшайди, қалбини ураётган нарса рашкми, ёки хиссиётми — аниқ билолмайди. Аммо шу беш-ўн кун ичида Алижон кўз ўнгидан сра нари кетмайди, кинода бирга бўлганлари, журналдаги сурат, Алижоннинг термулиб туришларини Лолахон сра унутмайди.

Лолахоннинг ўша нома'лум қиз важидан ўзгача ҳолга тушиб қолганини, айниқса Ғуломжоннинг сўзидан кейин хаёлга берилиб кетаётганини Шарофатхола билар эди. Лолахондаги бу ўзгариш кундан-кун кучаяётгани учун ўзича «қуриб кетсин шунақа...» деб қўярди.

Лолахон тush маҳалида даладан келиб, колхозчилар ёнида ўлтирмай ариқ ёнига чўнқайди, юзига ҳовучлаб сув сепди-да, чеккаларига ёпишган сочларини тўғрилаб, толнинг дўппайиб чиққан илдизига урилиб оқаётган сувга тикилиб қолди.

— Алижон яхши соғайиб кетибдими, — Шарофатхола қизни алахситишга ҳаракат қилди.

— Келдику, — Кеча Алижонни машинада ўзи олиб келганини Шарофатхола ҳам кўрган эди, ҳайрон бўлиб ҳолага қаради.

— Биламан келганини, қуввати келса бугун шийпонга келиб қолармикин, дейман.

— Билмадим.

Шарофатхоланинг тахмини тўғри чиқди. Эрталабдан бери ўйнда ўлтириб зериккан Алижон бухгалтернинг хотини қилиб берган қайнатма шўрвани ичгач, отланиб далага, тўғри шийпонга борди. Эгнида костюм, бошида янги тус дўппи, оёғида этик. Костюмнинг елкалари ва қўлтиқлари халфираб турибди. Рангги оқим тортган. Юзи ва қўлларидан қон қочиб, касалнинг та'сири сезилиб турарди.

Шарофатхола шийпоннинг лабига кўрпача солиб берди. Алижон устунга суяниб кўрпачага ўлтиргач бригаданинг а'золари блан сўрашди:

— Тузукмисиз, Алижонака, — Лолахон енгил нафас олди.

— Шукур, раҳмат, ўзингиз чарчамай ишлаб турибсизми.

Колхозчилар ишга тургач, Шарофатхола бир чойнак чой келтириб бериб, идиш-товоқларни ювиш блан машғул бўлди. Алижон бир ўзи қолди. Чойни пиёлага қуйиб қайтаргач, узоқ-узоқларга кўз ташлаб, тўйиб-тўйиб нафас олди. Ҳали ўйнан чиқиб карталарни қузатаркан чигит ердан ниш уриб чиқабошлаганини кўрган эди. Ўзида йўқ қувонди. Ана, колхозчилар далага ёпирилиб ишламоқдалар. Беморлигини билдирмайдилар. Бухгалтернинг хотини айтган сўзларни ҳузур блан эслайди: «Сиз кетибсизки, Лолахонда тиним бўлмади. Бир оёғи ўзининг ерида бўлса, иккинчиси сизникида, ўзи ҳам кунда бирнеча маҳал келиб хабар олади».

Алижон Лолахон дарвозасига қараб кўп кўрмади. Лекин «тузук бўлиб кетдингизми, Алижонака» деган сўз қулоғи остида жаранглар эди.

Алижон ярим чойнак чой ичди-да, Шарофатхолага раҳмат айтиб ўрнидан турди. Биринчи бригада чегарасидан ўтиб, ўзининг звеносига боромоқчи, ўшанақаси уйига кетмоқчи эди. Биринчи бригада шийпонига олиб борадиган арава йўлдан кесиб ўтиб, ёлгизоёқ йўлга чиққанда колхоз почтачиси чақириб тўхтатди. Келиб сўрашди-да хат тутқазди. Хат поччасидан бўлиб, шаҳар почтаси орқали келган эди. Ҳайрон бўлиб конвертни очди, хатни охиригача ўқиб бўлмаган эдики, Қосимов келиб қолди.

— Салом, Ўртоқ Т

Берлинда Германия Демократик Республикасининг бешйиллиги муносабати блан оммавий митинг

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС). Бугун Берлинда Маркс-Энгельс майдонида Германия Демократик Республикаси тузилган кунининг бешйиллиги байрами муносабати блан меҳнаткашларнинг оммавий митинги бўлди.

Соат 2 дан 30 минут ўтди. Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик, бош министр Отто Гротеволь, ГДР Халқ палатаси раисининг ўринбосари Герман Матерн, ГБСП Марказий комитетининг биринчи секретари ва бош министр ўринбосари Вальтер Ульбрихт, ўлкалар палатасининг раиси Рейнгольд Лобеданц, бош министр ўринбосарлари Отто Нушке, Генрих Рау, Ганс Лох, демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгаши президиумининг раиси Эрих Корренс ва бошқалар бош минбарга чиққанларида ҳамма гулдурос қарсак чалади.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'зоси В. М. Молотов бошчилигидаги Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг а'золари, шунингдек Германия Демократик Республикасининг бешйиллиги байрамида қатнашиш учун бошқа мамлакатлардан келган ҳукумат делегацияларининг раҳбарлари ва а'золари бош минбарга чиққанларида ҳамма уларни гулдурос қарсаклар блан кутиб олди.

Митингда биринчи бўлиб ГБСП Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Вальтер Ульбрихт нутқ сўзлади.

Вальтер Ульбрихт нутқи

Ульбрихт ўз нутқининг бош қисмида ГДРнинг беш йиллиги байрамида қатнашиш учун Совет Иттифоқидан, социалистик ва демократик лагерьдаги мамлакатлардан ҳамда капиталистик мамлакатлардан жуда кўп делегацияларнинг келганлиги Германиядаги тинчликсевар кучларнинг тинчликсевар халқлар блан дўстона алоқалари мустаҳкам эканлигини исбот этганлигини кўрсатди.

Ульбрихт та'кидлаб айтдики, Германия Демократик Республикаси немис халқи демократик ва тинчликсевар кучларининг ўз ватанини қайтадан бирлаштириш учун олиб бораётган курашининг мустаҳкам негизидир. Вальтер Ульбрихт ўз сўзини давом этдириб бундай деди: Ғарбий Германияда қуролланиш миллиардерлари ва гитлерчи генераллар Германияни ремилитаризация ва ҳарбий ҳалокат йўлига учинчи марта тушириш учун бутун кучларини сарф қилмоқдалар. Лондон кенгашида Ғарбий Германияни Ғарбий ҳарбий пактга қўшиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Лондон кенгаши немис халқининг ва Европа халқларининг ҳаётий манфаатларига зарба бўлиб тушди. Лондон музокаралари Германияни узоқ йиллар мобайнида парчаланган ҳолда сақлаб қолиш мақсадини кўзда тутди. Немис халқи Лондонда олиб борилган сепарат музокараларнинг натижаларига ҳеҳ қачон қўшилмайди.

Германия Демократик Республикаси бешйиллиги муносабати блан Берлинда ўтказилган тантанали мажлисда В. М. Молотовнинг «Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш масаласини ҳал этиш асосий ва энг зарур ишдир» деган сўзларини такрорлаб, Ульбрихт Совет ҳукумати Германия Демократик Республикасига суверенитет бериш йўли блан Германияни қайтадан бирлаштиришни енгиллаштиришга ёрдам қилди, деб уқтириб ўтди.

Демак, деди сўзини давом этдириб Ульбрихт,—Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси ва ҳукуматининг вакиллари Ғарбий Германия вакиллари блан музокаралар олиб бориш ҳуқуқига эгадирлар. Аденауэр Лондонда бунга хилоф суратда Германиянинг бирлиги тўғрисидаги масалани ғарб давлатларининг компетенциясига кирадиган масала деб ҳисоблашни таклиф этди. Аденауэрнинг бундай дейишга ҳеҳ қандай ҳаққи йўқ эди. АҚШ ҳукуматининг алоҳида манфаатлари борлигидан қат'ий назар, қайтадан тиклаш масалаларини ҳал этиш ва Германиянинг ҳар икки қисми вакиллари ўртасида музокара олиб бормоқ учун ўз вакилларини тайинлаш Ғарбий Германия аҳолисининг ва бу аҳоли вакилларининг ишидир. Музокара олиб боришни истамаган киши Германияни қайтадан бирлаштиришнинг душманидир.

Биз, иқтисодий ва маданий муносабатларни кенгайтириш йўли блан ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлик қилиши йўли блан Германиянинг ҳар икки қисмини бир-бирига яқинлаштириш учун бутун чорани кўрамиз, деб тантанали ва'да берамиз.

Ульбрихт Германиянинг бирлиги ва мустақиллигини қайтадан тиклаш ҳамда Германия блан сулҳ шартномаси тузиш мақсадида умумгерман битими учун курашда немис меҳнаткашларини бирлаштиришга чақирганида, ҳамма унинг, бу гапларини гулдурос қарсаклар блан кутиб олди.

Немис халқи, деди сўнгра Вальтер Ульбрихт, Совет ҳукуматининг оккупациячи қўшинларни Шарқий ва Ғарбий Германия территориясидан олиб чиқиб кетиш тўғрисида Қўшма Штатлар, Буюк Британия, Франция ва Совет Иттифоқи ўртасида дарҳол битим тузиш ҳақидаги таклифини табриклайди. Бундай битим Германиянинг қайтадан бирлаштирилишини анча енгиллаштирган бўлар ва айни вақтда халқаро вазиятдаги кескинликни янада юмшатишга хизмат қилган бўлар эди. Сулҳ шартномаси тузиш йўли блангина Германия масаласини тубдан ҳал этиш мумкин. Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг президиуми Бонн федерал республикасининг вакилларига тўрт давлат ўртасида музокаралар олиб борилган пайтда немис халқининг хоҳиши биргаликда муҳокама қилиш асосида ифода этилишини та'минлайдиган сулҳ шартномасини тузиш масаласида ўзлари тутадиган позиция юзасидан биргаликда музокара бошлашни таклиф қилди.

Совет ҳукуматининг қуролсизланиш ҳақида ва қуролсизланишни контроль қилиш тўғрисида битим тузиш юзасидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясига тақдим этган таклифи,—деб сўзини давом этдирди Ульбрихт,—немис халқининг ҳаётий манфаатларига тўлиқ жавоб беради. Ульбрихт айтдики, бутун Германияда ишчилар синфининг бирлиги амалга ошириладиган бўлса, барча тинчликсевар демократик кучлар демократик Германия Миллий фронти байроғи остида кураш олиб борадиган бўлсалар, у ҳолда ҳеҳ қандай кув Германияни қайтадан бирлаштиришга халақит бераолмайди.

Европа давлатларининг коллектив хавфсизлигини та'минлаш ҳақида Европадаги барча давлатларнинг шартномасини тузиш йўли блангина немис халқининг ва Европадаги барча халқларнинг тинч яшашини та'минлаш мумкин.

Ульбрихт ўз нутқини Германияни демократик асосда қайтадан бирлаштириш йўлидаги курашнинг таянчи—Германия Демократик Республикаси шарафига, немис халқи блан улуғ совет халқи ўртасидаги абадий дўстлик шарафига, бутун дун'ёда тинчлик ўрнатиш шарафига табрик сўзлари блан тамомлади.

Митинг қатнашчилари профессор Корренс таклиф этган ва СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборадиган қўйидаги табрикни баланд руҳ блан қабул қилдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси Марказий Комитетига табрикнома

Германия Демократик Республикаси ташкил этилган куннинг 5 йиллиги кунида. Германиянинг пойтахти Берлинда ўтказилган оммавий митингнинг қатнашчилари барча немис ватанпарварлари номидан Совет Иттифоқи халқларига ўзларининг қардошларча жанговар саломларини йўллайдилар ва немис халқининг миллий бирликни тиклаш ва тинч, бахтли ҳаёт учун олиб бораётган адолатли курашида унга доим кўрсатиб келаётган катта ёрдамлари учун ташаккур билдирадилар. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик Европада тинчликни та'минлаш учун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини ва герман миллатининг ҳаётий манфаатларига муносиб эканлигини яхши билиб, тантанали суратда қуйидагиларни айтамиз:

Германия-Совет дўстлиги бизнинг жонажон ишимиздир, биз бу ишни муқаддас билиб ҳимоя қиламиз.

Германия Демократик Республикаси бутун халқимиз учун ёрқин намуна бўлиб қолди. Бу республикада ишчилар синфи меҳнаткаш деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб, халқнинг барча демократик ва ватанпарвар кучларини ягона Миллий фронтга бирлаштирди ва герман милитаризмининг қайтадан тикланиш хавфига қарши, герман юртини қайтадан бирлаштириш учун, Германиянинг демократик асосда тинч ривожланиш йўли учун курашга раҳбарликни ўз қўлига олди.

Ғарбий Германия меҳнаткашлари ва ундаги барча тинчликсевар ҳамда ватанпарвар немислар Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг тинчликсеварлик миллий немис сиёсати тўғри эканлигига Германия Демократик Республикасининг иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиётига доир фактлар асосида кўриб ишонмоқдалар. Германия Демократик Республикаси тинчлик, демократия ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг синалган илғор курашчиси ғоят ҳурматли кишимиз президент ўртоқ Вильгельм Пикнинг раҳбарлиги остида бахтли истиқбол йўлидан тўхтовсиз олга бормоқда. Ғарбий Германиядаги империалистик кучлар АҚШдаги агрессив доираларнинг раҳбарлиги остида халқнинг бериши, я'ни герман масаласининг тинч ҳал этилишига халқнинг бериши истаётганликларини биламиз. Аммо биз, немис демократлари ва ватанпарварлари Умумгермания миқ'ёсида эркин сайлов ўтказиш йўли блан Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш мақсадида немислар ўртасида ҳамжиҳатлик барпо қилиш учун доим кураш олиб борамиз. Биз, барча халқларнинг тинч ҳамкорлик қилишига ўз ҳиссамизни қўшиш учун ҳам кучларимизни аямаймиз.

Яшасин Германия-Совет дўстлиги!

Яшасин бутун дун'ёда тинчлик!

Яшасин бирлашган, демократик, тинчликсевар ва мустақил Германия!

Шундан кейин Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг раҳбари, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотовга сўз берилади.

В. М. Молотов нутқи

Қадрли ўртоқлар ва дўстлар!

Германия Демократик Республикасининг бешйиллиги кунида сизларни совет халқи номидан, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси номидан самимий табриклайман ва қутлайман. (**Қарсаклар**).

Германия Демократик Республикаси ташкил этилган кун меҳнаткашларнинг байрами бўлиб қолди. Республика ташкил этилган куннинг бешйиллиги нишонланаётган ҳозирги кун айниқса катта байрамдир.

Бугун бундан беш йил илгари Германия Федерал Республикаси ташкил этилганлигини ҳам эсга олиб ўтиш ўринлидир. Федерал республика ГДРдан тахминан бир ой илгари тузилган эди.

Бугун, Германия Демократик Республикасининг бешйиллиги буерда байрам қилинаётган бир пайтда, кўп кишилар: Ғарбий Германияда Федерал республикаларнинг бешйиллиги байрам қилиндими, деб сўрашлари мумкин? Бундай бешйиллик Ғарбий Германияда байрам қилинганида, бу нарса ма'лум бўлиб қолар эди.

Германия Демократик Республикасининг тузилиши нима учун меҳнаткашларнинг байрами бўлиб қолди, Германия Федерал Республикасининг тузилиши эса нима учун халқ оммасининг иштирокисиз, ҳеч сезилмасдан ўтмоқда, деган савол туғилади.

Шарқий Германиядаги аҳвол блан Ғарбий Германиядаги аҳвол ўртасида нима учун шундай тафовут борлиги ҳақида кўп мулоҳазалар келтириш мумкин бўлар эди. Аммо, бир нарса тўғрисида, асосий нарса тўғрисида гапириб ўтиш кифоядир.

Бутун гап шундаки, ишчилар ва деҳқонлар, жисмоний ва ақлий меҳнат ходимлари Германия Демократик Республикасини ўз давлати деб ҳисоблашмоқдалар. Улар бу давлатни ўзлари вужудга келтирдилар, бу давлатнинг муваффақиятлари уларнинг фидокорона меҳнати блан та'минланмоқда. Улар бу давлатнинг муваффақиятлари блан фахрланадилар. Германия Демократик Республикасида халқ хўжайиндир ва шу сабабдан, халқ оммаси бу республика тузилган куннинг бешйиллиги каби шонли кунни зўр иштиёқ блан нишонламоқда. (**Қарсаклар**). Шу сабабдан, халқ Германия Демократик Республикасининг бешйиллигини фахр блан нишонлаб, бу байрамни миллий тантанага айлантирмоқда. Бу миллий тантана меҳнаткашларни меҳнат соҳасида янги зафарларга илҳомлантирмоқда ва иқтисодий ҳамда маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида бундан буён янада каттароқ муваффақиятларга эришиш учун барча демократларни ва барча ватанпарварларни маҳкам жипслаштирмоқда.

Федерал Герман Республикасида халқ эмас, балки капитал магнатлари ва юнкерлар ҳамда уларнинг одамлари хўжайин бўлганлиги сабабли, уерда мазкур республика тузилганлиги муносабати блан халқ байрамини ўтказиш тўғрисида масала ҳам кўтарилмайди. Ғарбий Германияда ҳам халқ хўжайин бўлиб оладиган пайт келиб қолар ва ўша вақтда халқ ўз сўзини айтади ва ўзининг шонли кунларини байрам қилишни истаб қолади. (**Давомли қарсаклар**).

Ҳозирги кунларимиз тўғрисида шуни айтиш керакки, Ғарбий Германия аҳолиси Германия Демократик Республикаси тузилган кун йиллигини байрам қилишнинг аҳамиятини қанчайики кўп билса ва ана шу байрамда, Ғарбий Германия меҳнаткашларидан нечоғлик қатнашса бутун герман халқи учун шунчалик яхши бўлади. (**Қарсаклар**).

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашлари олдида саноат ва қишлоқ хўжалиги, транспорт ва савдо-сотиқ соҳасида, халқ маорифини ва маданиятни ривожлантириш соҳасида, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмушини яхшилаш ҳамда барча ўз ташкилотларининг ишларини яхшилаш соҳасида кўлгина хилма-хил муҳим ва зарур вазифалар турибди.

Германия Демократик Республикасининг онгли ишчилари ва деҳқонлари ва, айтиш мумкин, Германиянинг барча демократлари ва ватанпарварлари ана шу вазифаларнинг ғоят муҳимлигини билиб, Германия ҳали ҳам парчаланган ҳолда қолаётганлигини, Германияни тинчликсеварлик ҳамда демократик асосларда бирлаштириш вазифаси герман халқининг энг зарур, энг муҳим вазифаларидан эканлигини яхши эсда тутмоқдалар.

Германиянинг бирлигини қайтадан тиклаш учун кураш Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг диққат марказида туриши керак. Германия давлатининг бирлигини қайтадан тиклаш учун кураш Шарқий ва Ғарбий Германия демократлари ҳамда ватанпарварларини бирлаштириш лозим. Ана шу демократлар ва ватанпарварлар ҳозирги вақтда Ғарбий Германиядаги милитаристларга ва агрессив қасосчиларга таянаётган агрессив доираларнинг, я'ни Европа ҳамда Америкадаги агрессив доираларнинг найранглари бу йўлда асосий ғов эканлигини эсда тутишлари керак. Ғарбий Германиядаги ана шу милитаристлар ва қасосчилар герман милитаризмини ҳарқандай қилиб бўлса ҳам қайтадан тиклашга ҳаракат қилмоқдалар.

Германия давлатининг бирлигини қайтадан тиклаш йўлида кўпгина ғовлар бор. Аммо, агар барча немис демократлари ва ватанпарварлари демократик ҳамда тинчликсевар Германияни бирлаштириш ишига чинакам киришсалар, у ҳолда ана шу ғовлар бартараф қилинади ва демократик ҳамда тинчликсевар Германияни бирлаштириш иши тантана қилади. (**Қарсаклар**).

Совет Иттифоқи герман милитаризмини қайтадан тиклашнинг қат'ий душманидир ва шу блан бирга, Совет Иттифоқи Германия давлатининг бирлигини дарҳол қайтадан тиклаш зарурлигини изчиллик ва қат'ият блан ҳимоя қилади. (**Қарсаклар**).

Совет Иттифоқи блан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатлар демократик кучларга ва бу кучларни бирлаштирган демократик Германия Миллий фронтига бўлган ишончга асосланади. Республика меҳнаткашлари ўзларининг барча ички ва ташқи ишларида Совет Иттифоқининг қўллаб-қувватлаши зарур бўлиб қолган тақдирда, Совет Иттифоқига умид боғлайоладилар. (**Гулдурос қарсаклар**). Совет Иттифоқи герман халқи демократик ва тинчликсевар кучларининг Германияни бирлигини қайтадан тиклаш учун олиб бораётган курашида уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. (**Қарсаклар**).

Яшасин Германия Демократик Республикаси ва унинг ҳукумати! (**Гулдурос қарсаклар**).

Яшасин Демократик Германия Миллий фронтининг етакчи кучи бўлган Германия Бирлашган Социалистик Партияси! (**Гулдурос қарсаклар**).

Яшасин бирлашган, мустақил, тинчликсевар, демократик Германия! (**Гулдурос қарсаклар**).

Совет ва герман халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик яшасин ва мустаҳкамлансин! (**Гулдурос, давомли қарсаклар. «Дўстлик!», «Дўстлик!» деган хитоблар**).

Шундан кейин, Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг а'зоси Жоаннес сўзлади. У, Франция Коммунистик партияси Марказий комитетининг табрикномасини ўқиб берди.

Шундан кейин, Ғарбий Германия меҳнаткашларининг Германия Демократик Республикасида бўлган делегациясининг вакили сўзлади. У ўзининг қисқача табрик нутқида Германия тарихида ишчилар ва деҳқонларнинг биринчи демократик тинчликсевар давлати бўлган Германия Демократик Республикасидаги тинч қурилишнинг муваффақиятлари бутун герман миллати учун муҳим эканлигини та'кидлади.

Митингда Германия Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Отто Нушке ҳаммадан кейин сўзга чиқди.

Нушке оккупациячи қўшинларни Германиядан дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисида В. М. Молотовнинг қилган таклифи ва БМТда совет делегациясининг қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида ҳамда атом қуролини тақиқлаш ҳақида киритган таклифлари халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва Германия масаласини ҳал этиш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини та'кидлади.

Сўнгра, Отто Нушке Германия Демократик Республикасининг Германияни қайтадан бирлаштиришни енгиллаштириш мақсадида немислар ўртасида ҳамжиҳатлик барпо қилишга қаратилган доимий ҳаракатига тўхталиб ўтди. Аммо, деди у, Бонн ҳукумати Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг ва ҳукуматининг шу масала юзасидан кўп марта қилган таклифларига жавоб бермай келмоқда, бу таклифлар ҳақида индамай келмоқда. Милитаристларга федерал республикаларнинг бошида турган Аденауэр очиқдан-очиқ Германияни қуроллантириш йўлига ўтди. Шу блан бирга, Аденауэр мен немис халқи номидан гапирмоқдаман, деб айтишга сурбетларча жур'ат этмоқда. Аденауэрнинг бунга ҳаққи йўқ.

Берлин меҳнаткашларининг оммавий митингида бирнеча юз минг киши қатнашди. Бу митинг меҳнаткашларнинг ўз халқ ҳукумати тевараги, ишчилар синфи партияси тевараги жипслашганлигини, тинчлик, демократия ва социализм йўлидан яна олға боришга қат'ий қарор берганликларини ёрқин ифода этди.

Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик ҳузурида қабул маросими

БЕРЛИН, 7 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг президенти Вильгельм Пик бугун Германия Демократик Республикасининг 5 йиллиги муносабати блан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Германия Демократик Республикасининг бош министри О. Гротеволь, ГБСП Марказий комитетининг биринчи секретари, ГДР бош министрининг ўринбосари В. Ульбрихт. Германия Демократик Республикаси Халқ палатаси раисининг ўринбосари Г. Матерн, бош министр ўринбосарлари О. Нушке, Г. Рау, Г. Лох, П. Шольц, ГБСП Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'золари ва а'золикка кандидатлари К. Ширдеван, Ф. Эльснер, В. Штоф, Э. Мюккенбергер, А. Нейман, ГБСП Марказий комитетининг секретарьлари П. Вандель ва Г. Циллер, демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг раиси профессор Корренс, Озод немис касаба союзлари бирлашмасининг раиси Г. Варнке, Озод немис ёшлари союзи марказий кенгашининг раиси Э. Хонекер, министрлар, депутатлар, демократик партияларнинг ва оммавий ташкилотларнинг раҳбар арбоблари, фан ва маданиятнинг кўзга кўринган вакиллари, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида ҳозир бўлган меҳмонлар орасида Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг раҳбари, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг а'золари — КПСС Марказий Комитетининг секретари П. Н. Поспелов, СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеянов, Украина КП Марказий Комитетининг секретари О. И. Ивашченко, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси Г. М. Пушкин бор эди.

Меҳмонлар орасида Хитой Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари, Чэнь И, Польша Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Юзеф Циранкевич, Чехословакия Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Зденек Фирлингер, Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Антал Апро, Руминия Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Киву Стойка, Болгария Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Георгий Чанков, Албания Халқ Республикасининг Польша Халқ Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Петре Папи, Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Жамбалдоржи, Корея Халқ-Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Пак И Ван, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумат делегациясининг раҳбари Нгуен Лонг Банг ҳам бор эди.

Қабул маросимида Германия Демократик Республикасидаги бошқа четэл элчихоналари ва миссияларининг бошлиқлари ҳамда ходимлари ҳозир бўлдилар.

Аргентина-Совет маданий алоқа институтининг фаолияти

БУЭНОС-АЙРЕС, 7 октябрь. (ТАСС). Аргентина-Совет маданий алоқа институти Совет Иттифоқининг маданияти ва сан'атини ўрганишга ғоят қизиқаётган мамлакат жамоатчилигининг истакларини назарга олиб, Кордова ва Росарио шаҳларида ўзининг филиалларини очди.

Росариодаги филиали очиш вақтида йиғилганлар олдида филиал президенти адвокат Мануэль Родригес нутқ сўзлади. У, иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар Аргентина ва СССР халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни ва дўстликни кучайтириш учун катта аҳамиятга эга, деди ва СССРнинг маданият соҳасидаги муваффақиятлари блан танишиш Аргентина халқи учун жуда фойдали ва зарурдир, деб та'кидлаб ўтди.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

НЬЮ-ЙОРК, 7 октябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кеча эрталабки мажлисидаги умумий дискуссияда Исроил ва Миср вакиллари сўзга чиқдилар.

Исроил вакили Эбан ўз нутқининг асосий қисмини ўз мамлакатининг араб мамлакатлари блан муносабатларини масаласига бағишлади. Исроил вакили «Фаластин проблемаси» деб аталган проблемани ҳал қилиш мақсадида араб мамлакатлари блан бирқанча шартномалар тузишни, шу жумладан ҳужум қилишмаслик тўғрисида шартнома тузишни ва шу шартномага жанжалларни ҳал қилиш учун қурол қўлланмаслик мажбуриятларини киритишни таклиф қилди. Исроил вакили Англия—Миср битимининг тузилганлиги «шу райондаги мувозанатни бузишга» олиб келиши эҳтимол деб хавфсираганлигини билдирди.

Миср вакили Азми айтдики, атом қуввати юзасидан ҳалқаро агентлик тузиш тўғрисидаги АҚШ таклифлари ва қуролсизланиш соҳасидаги Совет Иттифоқи таклифлари халқларга жанжалли масалаларни ҳал қилиш мумкинлиги ва халқаро вазиятни яхшилаш ҳақида янги умидлар беради. Миср вакили ўз нутқида Исроилни танқид қилди, жумладан, Исроилнинг араб мамлакатларига муносабати Яқин Шарқдаги «сиёсий вазиятни янада кескинлаштиради», деб айтди. Миср вакили кам тараққий қилган мамлакатларга техника ёрдамини кўпайтириш керак, шунингдек қарам халқларга ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини бериш керак, деб айтди. У, Марокаш ва Тунис халқларининг мустақилликкa бўлган интилишларини қондириш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Кундузги мажлисда Ҳиндистон вакили Менон сўзга чиқди.

Менон кейинги йилда халқаро муносабатларнинг бирмунча яхшиланганлиги тўғрисида гапириб, бу соҳада Берлин ва Жанва кенгашларининг ўйнаган роли ни уқтириб ўтди. Менон Осиё проблемаларига муфассал тўхталди. Шу блан бирга, у, ҳозирги вақтда «янги Осиё бор, унда бирқанча мамлакатлар мустақил давлат бўлиб қолдилар» деб уқтириб ўтди. Шу фактни э'тироф қилиш, я'ни янги Осиёнинг мавжудлигини э'тироф қилиш, деб давом қилди Менон, «ҳозирги вақтда энг муҳим проблемадир».

Ҳиндистон вакили Ҳиндистон блан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтди. У, ҳар икки мамлакат қардошлик ва дўстона муносабатлар йўлига кириб, тинчлик ишига катта ҳисса қўшдилар, деб айтди.

Ҳиндистон вакили Корея масаласига тўхталиб, Кореяда қон тўкишни яна бошлаб юборишга интилаётган лисинманчилар тўдасининг агрессив планларига э'тиборни жалб қилди. У, Кореяда тинчликка эришмоқ учун куч ва ғайрат сарф қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Менон Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитойнинг вакиллари бўлиши кераклиги масаласига тўхталиб, агар шу сессияда Хитой ҳукуматининг вакили бўлганда эди Осиёнинг хавфсизлиги ва БМТнинг обрўйи кучайган бўлур эди, деб айтди. Жанва кенгаши, деди Менон, Хитойнинг иштирокисиз натижа чиқараолмаслигимизни кўрсатди.

Ҳиндистон вакили қуролсизланиш масаласига тўхталиб, ўз мамлакатининг атом қуролини ҳеч сўзсиз тақиқлаш тарафдори эканлигини айтди. У, буюк давлатларда вето ҳуқуқини сақлаб қолиши керак, шу ҳуқуқ бўлмаса «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бундан буёғи яшаши мумкин эмас», деди.

Бутун дун'ёни ҳаяжонга солаётган энг муҳим масалалар, орасида деди, Ҳиндистон вакили, Германия проблемаси биринчи даражали проблемадир. Германия қандай йўлдан боради: ўзининг аввалги ҳарбий интилишларини яна тиклаш йўлидан борадими, ёки тинч ривожланиш йўлидан борадими, мана шуни билиш жаҳон халқлари учун жуда муҳимдир. Германияни бирлаштириш йўли блангина, деди Менон, Германия проблемасини тинч ҳал қилиш мумкин. Менон айтдики, Ҳиндистон ҳукумати Германиянинг ҳар иккала қисмидаги ҳукуматлар ўртасида бевосита музокаралар олиб борилсин, деб таклиф килишни зарур деб ҳисоблайди.

Бош Ассамблеянинг тўққизинчи сессиясидаги умумий дискуссия шу блан тамом бўлди.

Филиппин делегати жавоб бериш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлиб шундан кейин сўз олди. У очиқдан-очиқ боғкаларнинг фикрини ифодалаб, ўзининг бутун нутқини Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига ва Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни янада юмшатиш йўлидаги самимий интилишларига ғаваларча тухмат ёғдириш блан тўлдирди.

Сўнгра Бош Ассамблея Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган уч а'зосини сайлашга киришди. Колумбия, Дания ва Ливан ўрнига кўпчилик овоз блан Бельгия, Эрон ва Перу сайланди.

Ҳиндистон республикаси кинематографияси арбоблари делегациясининг Тошкентда бўлишига доир

Ҳиндистон Республикаси кинематографияси арбоблари делегацияси Ўзбекистон пойтахтига меҳмон бўлиб келди. Бу делегация ҳинд фильмлари фестивалида қатнашиш учун СССР Маданият министрлигининг таклифи блан Совет Иттифоқига келган эди. Машҳур режиссёр ва сценарист Аҳмад Аббас етакчилигидаги делегация составида Ҳиндистон киносининг кўзга кўринган арбоблари Нирупа Рой, Фотима Рашид (Наргис), Бимал Рой, Виджайя Бхатт, Четан Аннанд, Балрадж Сахни, Радж Капур, Дев Аннанд, Анил Бисвас, Салил Чаудхури, Х. Мукерджи, Радху Кармакарлар бор.

Ҳинд киноси мастерлари 8 октябрьда шаҳарнинг хушманзара жойлари блан танишдилар. Улар парк, скверларни, янги қурилишларни тамоша қилдилар, кўпгина маданий-оқартув муассасаларда бўлдилар.

8 октябрь кечқурун Тошкентдаги тамошабинларнинг ҳинд киноси мастерлари блан ўтказилган учрашуви Ҳиндистон-Совет дўстлигининг чинакам байрамига айланди. Бу учрашув ўтказилган «Родина» кинотеатри Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат байроқлари ҳамда Ҳиндистон Республикасининг давлат байроқлари блан безатилган эди. Театр зали саноат корхоналарининг илғорлари, фан, сан'ат ва адабиёт арбоблари ҳамда студентлар блан лиқ тўлди.

Тантанали кечани Ўзбекистон ССР маданият министрининг ўринбосари З. Р. Раҳимбобоева қисқача кириш нутқи блан очди. У, кечада ҳозир бўлган кишиларни делегация а'золари блан таништирди. Мактаб ўқучилари саҳнага чиқадилар. Улар бутун залнинг гулдурос қарсаклари остида делегация а'золарига гуллар тошширадилар, меҳмонларга пионер галстукларини тақадилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати К. Яшин ҳинд кинематографияси арбобларини Ўзбекистон интеллигенцияси номидан қизғин табриклайди. Ўртоқ Яшин айтадики, Совет Иттифоқида ўтказилаётган ҳинд фильмлари фестивали, Ҳиндистон кинематографияси ходимлари делегациясининг мамлакатимизга келиши Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлиги мустаҳкамланиб борётганлигини исбот этади, икки улуғ халқ ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинатининг доигдор тўқучиси Н. Мақсумова минбарга чиқади. У кўп мингли совет тамошабинларининг туйғуларини ифода этиб, Ҳиндистон прогрессив сан'ати катта муваффақиятларга эришганлигини та'кидлайди.

В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг студентларидан З. Ашурбоев ва Г. Ҳасанхўжаева, киноартист Ю. Ризаева, шоира Зулфия ўз нутқларида Ҳиндистон прогрессив кинематографиясининг шонли традицияларига тўғрисида, совет кишиларининг ҳинд халқи блан дўстликни мустаҳкамлашга интилаётганликлари ҳақида сўзлайдилар.

Ҳиндистон делегациясининг раҳбари Аҳмад Аббас минбарга чиққанида, яна овоция бошланади. У, делегация а'золари совет кишиларининг самимий кутиб олганликларидан бенаҳо ҳурсанд эканликлари ҳақида завқланиб сўзлайди.

— Сизларнинг фильмларимизга берган юксак баҳонгизни, — дейди Аҳмад Аббас, — совет кишиларининг тинчлик учун курашаётган Ҳиндистоннинг ярксевар халқига муҳаббатини кўрсатучи далил деб биламиз. Бизнинг фильмларимиз халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшаётганлигидан астойдил қувонамиз.

Делегация а'золари — «Дайди» фильмида асосий рольни ижро этучи Радж Капур, «Икки бигха ер» фильмида асосий рольни ижро этучи Балрадж Сахни ва «Дайди» фильмида асосий рольни ижро этучи Фотима Рашид (Наргис) совет кишиларини табриклаб сўзладилар.

Учрашувнинг охирида Ҳиндистоннинг янги кинофильми кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ПРОФЕССОР В. И. РОМАНОВСКИЙНИ ДАФН ҚИЛИШ МАРОСИМИ

8 октябрьда Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Тошкент математика мактабининг асосчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг а'зоси, физика-математика фанлари доктори, профессор Всеволод Иванович Романовский блан сўнгги марта видо'лашди.

Марҳумнинг жасади солинган тобут Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг биносига қўйилган эди. Отоқли совет олими блан сўнгги марта видо'лашиш учун бу ерга илмий ходимлар, олий ўқув юртларининг ўқитучилари ва студентлари, Тошкент шаҳридаги жамоат ташкилотларининг вакиллари, хизматдошлари, дўстлари, қариндошлари келдилар.

Марҳумнинг жасадини бинодан чиқариш олдидан граждан жанозаси бўлди. Жаноза маросимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари З. Р. Раҳимбобоева қисқача кириш нутқи блан очди. У, кечада ҳозир бўлган кишиларни делегация а'золари блан таништирди. Мактаб ўқучилари саҳнага чиқадилар. Улар бутун залнинг гулдурос қарсаклари остида делегация а'золарига гуллар тошширадилар, меҳмонларга пионер галстукларини тақадилар.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган сан'ат арбоби, Сталин мукофоти лауреати К. Яшин ҳинд кинематографияси арбобларини Ўзбекистон интеллигенцияси номидан қизғин табриклайди. Ўртоқ Яшин айтадики, Совет Иттифоқида ўтказилаётган ҳинд фильмлари фестивали, Ҳиндистон кинематографияси ходимлари делегациясининг мамлакатимизга келиши Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлиги мустаҳкамланиб борётганлигини исбот этади, икки улуғ хал